

Ўзбекистон футбол ассоциацияси
Ижроия қўмитаси бюросининг
2018 йил 16 ноябрдаги 17-сонли
қарори билан тасдиқланган.

ЎФА ва ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этувчи футбол клубларини лицензиялаш ва профессионал футбол клуби мақомини белгилаш бўйича регламент

Мундарижа

Атамалар ва таърифлар.....	4
1. Умумий қоидалар.....	8
1.1. Амал қилиш доираси.....	8
1.2. Мақсадлар.....	8
1.3. Лицензиялаш жараёнининг бошланиши.....	8
2. Амалиёт жараёни.....	9
2.1. Клубларни лицензиялаш тизимини бошқариш.....	9
2.2. Муҳимлилик мезони.....	9
2.3. Лицензиялаш жараёни.....	9
2.4. Ривожланиш.....	10
2.5. Санкциялар.....	10
3. Лицензиар.....	10
3.1. Лицензия берувчи.....	10
3.2. Клубларни лицензиялаш бўлими (КЛБ).....	10
3.3. Бошқарув органлари.....	11
3.4. Клубларни лицензиялаш комиссияси (КЛК).....	12
3.5. Клубларни лицензиялаш бўйича апелляция комиссияси (КЛАК).....	12
4. Лицензия талабори ва лицензия.....	13
4.1. Лицензия талабори.....	13
4.2. Лицензиат.....	14
4.3. Лицензия.....	14
4.4. ОФКнинг клублар ўртасидаги мусобақаларида қатнашиш.....	15
4.5. ОФКнинг клублар ўртасидаги мусобақаларида қатнашиш учун маҳсус ОФК клубларини лицензиялаш тизимининг ишлатилиши.....	15
5. Асосий жараён.....	15
5.1. Тамойиллар.....	15
5.2. Лицензиялашнинг асосий жараёни учун зарур бўлган ахборот.....	16
6. Спорт мезонлари. Суперлига клублари учун.....	16
7. Инфратузилма мезонлари. Суперлига клублари учун.....	20
8. Ходимлар ва клуб маъмуриятига оид мезонлар. Суперлига клублари учун.....	22
9. Ҳуқуқий мезонлар. Суперлига клублари учун.....	24
10. Молиявий мезонлар. Суперлига клублари учун.....	26
11. Якуний қоидалар.....	29
11.1. ЎзПФЛнинг клубларни лицензиялаш қўлланмаси.....	29
11.2. Интизомий жараён.....	29
11.3. Бажарилиши керак бўлган қўшимчалар.....	29
11.4. Регламентдан истисно масалаларни кўриб чиқиш тартиби.....	29
11.5. Қабул қилиш, тасдиқлаш ва амалга татбиқ этиш.....	29
12. Спорт мезонлари. Про-лига А клублари учун.....	29

13. Инфратузилма мезонлари. Про-лига А клублари учун.....	32
14. Ходимлар ва клуб маъмуриятига оид мезонлар. Про-лига А клублари учун....	34
15. Ҳуқуқий мезонлар. Про-лига А клублари учун.....	35
16. Молиявий мезонлар. Про-лига А клублари учун.....	38
17. Лицензиялаш мезонлари. Про-лига В клублари учун.....	41
Илова №1. Асосий жараён намунаси.....	46
Илова №2. Санкцияларни қўллаш тартиби.....	46

Атамалар ва таърифлар

Мазкур регламент матнида қўлланиладиган атамалар баъзи ўринларда кўплик маъносини ҳам бериши мумкин ёки аксинча. Улар алифбо тартибида берилган.

Атама	Таъриф
Асосий жараён	Ушбу регламентда келтирилган ва аризачига лицензия бериш учун асос бўлиб хизмат қиласидиган, лицензиар томонидан назорат қилиниши керак деб белгиланган минимал талаблар.
Бош (асосий) ташкилот	Бир ёки бир нечта шўъба корхонаси бор ташкилот.
Дедлайн	Лицензиялаш жараёнининг сўнги куни (соати, дақиқаси).
Йиллик молиявий ҳисобот	Белгиланган санага тайёрланган тўлиқ молиявий ҳисобот (баланс, даромад ва камомад ҳисботи, пул айланмаси ҳисботи ва уларнинг изоҳи, молиявий ҳисботнинг ажралмас қисми саналувчи изоҳловчи материаллар ва бошқа ҳисботлар).
Келгуси воқеалар	Лицензия берилганидан сўнг содир бўладиган воқеа ва ҳолатлар.
Келгусидаги молиявий ҳисобот	Келгусида кутилаётган молиявий киirimлар ва эҳтимолий харажатлар.
Клуб	Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик субъекти ҳисобланувчи ва мамлакат ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган юридик шахс.
Клубларни лицензиялаш бўйича апелляция комиссияси (КЛАК)	Апелляция органи. Клубларни лицензиялаш комиссияси қарорига нисбатан шикоят қабул қиласидиган орган.
Клубларни лицензиялаш бўлими (КЛБ)	Лицензиялаш жараёнига жавобгар бўлган ЎзПФЛнинг маъмурий органи.
Клубларни лицензиялаш комиссияси (КЛК)	Қарор қабул қиласидиган биринчи инстанция. У лицензия бериш, бермаслик ёки бекор қилиш қарорини қабул қиласидиган.
Клубнинг иқтисодий барқарорлиги	Лицензия талабгорининг охирги 3 (уч) йилдаги йиллик ва оралиқ молиявий ҳисботлари натижалари бўйича қабул

борасидаги хулоса	қилинган баҳо.
Лицензиар	Клубларнинг лицензиялаш жараёнини олиб борувчи ва уларга лицензия берувчи орган.
Лицензиат	Лицензиардан лицензия олган аризачи.
Лицензия	ЎзПФЛ тасарруфидаги мусобақаларда иштирок этиш (ҳар бир лига учун алоҳида талаб), шунингдек, ОФКнинг клублар ўртасидаги мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ва клубнинг барча минимал талабларга мос келишини тасдиқловчи сертификат.
Лицензия беришга масъул, ваколатли шахс	Клубларни лицензиялаш комиссияси раиси.
Лицензия талабгори	Лицензия олиш учун мурожаат этадиган ва талабгор бўлган номзод, футбол клуби сифатида миллий ва халқаро мусобақаларда иштирок этадиган ҳар қандай юридик шахс ёки тижорат ташкилоти.
Лицензиялаш жараёни	ЎзПФЛ томонидан футбол клубларига мусобақаларда иштирок этиш учун қўйилган минимал талаблар бўйича ҳисобот ва уларни текшириш жараёни.
Лицензиялаш маълумотномаси	Лицензиялаш жараёни бошланиши опидан ЎзПФЛ томонидан клубларга юбориладиган хат. Бунда лицензия олиш жараёнига тегишли жадваллар, саналар, асосий жараённинг тавсифи ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.
Мезонлар	Лицензия олиш учун ариза берувчи томонидан амал қилиниши лозим бўлган ва 5 (беш) тоифага ажратилган мезонлар: спорт, инфратузилма, ходимлар ва клуб маъмуриятига оид, ҳуқуқий ва молиявий мезонлар.
Молиявий йил	Молиявий ҳисобот йили, оралиқ давр ҳисобланмайдиган ва белгиланган санада ёпиладиган молиявий ҳисобот даври.
Мустақил аудитор	Лицензиар томонидан танлаб олинган мустақил аудитор (ёки ҳисобчи).
Мухим ўзгаришлар	Лицензия олиш учун аввал топширилган ҳужжатларга албатта яна бошқа қўшимча ҳужжатлар қўшишни талаб этадиган воқеалар.
Оралиқ давр	Молиявий ҳисобот даврининг молиявий ҳисобот йилидан кўра кам даври.

Оралиқ молиявий ҳисоботлар	Молиявий ҳисобот йилидан кўра қисқа давр учун тақдим этиладиган (лицензиар талаб қилган давр оралиғи) ташкилотнинг молиявий маълумотлари тўплами.
ОФК	Осиё футбол конфедерацияси.
ОФК ва ЎзПФЛнинг футбол мавсуми	Календарь йилининг 1 январидан 31 декабригача бўлган давр.
ОФКнинг клублар мусобақалари	ОФК Чемпионлар лигаси, ОФК кубоги.
Профессионал футбол клуби	ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган мусобақаларда (Суперлига, Про-лига А, Про-лига В, Ўзбекистон кубоги, Ўзбекистон суперкубоги) иштирок этувчи футбол клуби.
Сезиларли таъсир	Клубга молиявий ва оператив сиёsat олиб бориш ҳуқуқини берувчи, лекин ушбу сиёsat устидан назорат қилиш имконини бермайдиган ваколат.
Стадион	Футбол клубининг мусобақалар доирасида учрашувлари ўтказиладиган обьект. Стадион ёнидаги барча бинолар, мисол учун,офис, меҳмонларни кутиб олиш жойи, матбуот марказлари ва аккредитациядан ўтказиш марказлари стадионнинг таркибий қисмлари ҳисобланади.
Фаолият олиб бораётган ташкилот	Тегишли органларга белгиланган муддатда доимий ҳисобот берувчи ташкилот одатда фаолият олиб бораётган ташкилот ҳисобланади ва келажакда ўз фаолиятини давом эттириши учун қарз олишга муҳтож бўлмаган, шунингдек, ўз фаолиятини тугатишга қарор қилмаган ташкилот.
Шўъба корхонаси	Алоҳида хўжалик сифатида рўйхатдан ўтмайдиган ва бошқа мустақил ташкилот томонидан бошқариладиган ташкилот.
Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси (ЎзПФЛ)	Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат-нотижорат ташкилоти.
Ўтган давр учун молиявий маълумотлар	Лицензия талабгорининг ўтган йиллардаги молиявий фаолиятига оид маълумотлар. Ўтган давр учун молиявий маълумотлар КЛКнинг ташкилотга лицензия бериш тўғрисидаги қароридан олдин бўлган молиявий фаолиятга тегишлидир.
ЎФА	Ўзбекистон футбол ассоциацияси.
Қоидалар	ЎзПФЛнинг лицензиялаш регламентида келтирилган

	қоидалар.
Ҳисобот берувчи ташкилот	Мазкур регламентга асосан лицензиарга ўрнатилган тартибда молиявий ҳисобот топширувчи ташкилот.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Амал қилиш доираси

Ушбу рөгламент ЎФА ва ЎзПФЛ доирасидаги мусобақаларда иштирок этувчи футбол клубларини лицензиялаш жараёнини ва профессионал футбол клуби (кейинги ўринларда "ПФК") мақомини белгилашни тартибга солади ҳамда қуидагиларни ўз ичига олади:

- а) лицензия талабори томонидан бажарилиши лозим бўлган минимал талабларни ҳамда асосий жараён давомида баҳоланиши лозим бўлган минимал мезонларни;
- б) лицензия талабгорига ЎзПФЛ ва ОФК клублар мусобақаларида иштирок этиш учун лицензия беришни ёки бермасликни;
- в) ЎзПФЛ ва ОФК клублар мусобақаларида қатнашиш мақсадида лицензия олиш учун минимал даражадаги спорт, инфратузилма, ходимлар ва клуб маъмуриятига оид, ҳуқуқий ва молиявий мезонларни;
- г) ЎФА ва ЎзПФЛ доирасидаги мусобақаларда иштирок этувчи футбол клубларига профессионал футбол клуби мақомини белгилашни.

1.2. Мақсадлар

Клубларни лицензиялаш тизими ва ПФК мақомини белгилаш қуидаги мақсадларга эришиш учун қаратилган:

- а) ЎзПФЛ ва ОФК клублари мусобақалари обрўси ҳамда яхлитлигини ҳимоя қилиш учун;
- б) Ўзбекистон футбол клубларининг ПФК сифатида молиявий, спорт, ҳуқуқий, ходимлар ва клуб маъмуриятига оид, шунингдек, инфратузилма кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш ва уларни ривожлантиришда давом этиш;
- в) Ўзбекистон футболи стандартларини доимий равишда такомиллаштириш ҳамда ҳар бир футбол клубида ёш ўйинчиларни тайёрлаш ва ўқитишини устувор вазифа қилиб белгилаш;
- г) футбол клубларида бошқарув ва ишни ташкил этиш даражасини ошириш;
- д) футбол клубларининг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини ошириш, уларнинг фаолиятида шаффоффликни таъминлаш, клублар обрўсини мустаҳкамлаш, кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалаларга эътибор бериш;
- е) футбол клубларининг спорт инфратузилмасини (айниқса стадионларни) муҳлислар ва ОАВ ходимларининг ташриф буюриши учун қулай, хавфсиз ҳамда замонавий қилиб жиҳозлаш, мослаштириш;
- ж) клубларнинг мавсум давомида халқаро мусобақалардаги узлуксиз иштирокини таъминлаш;
- з) мусобақаларда молиявий fair play тамойилига амал қилиниши устидан назорат қилиш;
- и) профессионал футбол клуби мақомини аниқ мезонлар асосида белгилаш ва бу орқали футбол клубларининг футболнинг барча йўналишларида ривожланишини таъминлаш;
- й) профессионал футбол клуби мақомини белгилаш орқали клубларнинг солик имтиёзларидан фойдаланиши учун имконият яратиш.

1.3. Лицензиялаш жараёнининг бошлананиши

Клубларни лицензиялаш жараёни бошланадиган сана ЎзПФЛнинг тегишли бўлими

томонидан лицензиялаш жараёни бошланишига камида икки ҳафта вақт қолганида ЎзПФЛнинг расмий веб-сайти орқали маълум қилинади. Шунингдек, айни вақтда мавжуд бўлган футбол клубларига расмий хат жўнатилади.

2. АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИ

2.1. Клубларни лицензиялаш тизимини бошқариш

2.1.1. ЎзПФЛ клубларни лицензиялаш тизимини бошқаради, шунингдек, лицензиялаш бўйича маъмурий ва бошқарув органларини тайинлади.

2.1.2. Жараён клубнинг ўзи ва ЎзПФЛ томонидан ўтказилган аудит текшируви хуносаларини баҳолашни ўз ичига олади.

2.2. Муҳимлилик мезони

2.2.1. Ушбу регламентда кўрсатилган бандлар 3 (уч) мезон асосида тартибга солинади. Ушбу мезонлар ОФК ва ФИФАнинг клубларни лицензиялаш қоидаларига тўла мос келади.

2.2.2. 3 (уч) хил турдаги мезонлар қўйидаги тартибда таснифланади:

“A” — МАЖБУРИЙ	Агар лицензия талабори “A” мезонининг бирор-бир талабига тўғри келмаса, унга лицензия бериш бекор қилинади.
“B” — МАЖБУРИЙ	Агарда лицензия талабори “B” мезонининг бирор-бир талабини бажармаса, унга мусобақада иштирок этиши учун лицензия берувчи томонидан тегишли тартибда ёним таклиф этилади ёки жарима қўлланилади, шу билан бирга, унда лицензия олиш имконияти сақланиб қолади.
“C” — ТАЖРИБА	Ушбу мезонлар энг яхши футбол клублари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган йўриқномалар асосида берилади. “C” мезони талабларига жавоб берилмаган тақдирда, талабгорга нисбатан ҳеч қандай санкция ёки жарималар қўлланилмайди. Мезондаги айрим шартлар кейинги футбол мавсумларида МАЖБУРИЙ мақомини олиши мумкин.

2.3. Лицензиялаш жараёни

2.3.1. ЎзПФЛ ва ОФК мусобақаларида иштирок этиш учун клублар лицензиялаш жараёнидан ўтишлари керак.

2.3.2. Ҳар футбол мавсуми олдидан клублар ЎзПФЛ ва ОФК мусобақаларида иштирок этиш мақсадида лицензия олиш ёки мавжуд лицензияни янгилаш учун лицензиялаш жараёнидан ўтишлари керак.

2.4. Ривожланиш

- 2.4.1. Клубларни лицензиялаш тизими доимий ривожланиб боришни таъминлаш учун яратилган асосдир.
- 2.4.2. ЎзПФЛнинг Клубларни лицензиялаш бўлими вакиллари амалдаги мезонларни кўриб чиқиши, регламентга тегишли тузатишлар бўйича таклиф тақдим этиши ёки ЎФА Ижроия қўмитасига қайта кўриб чиқиш таклифини бериш хукуқига эгалар.
- 2.4.3. Амалдаги регламент вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши ва зарурат туғилса, ўрнатилган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

2.5. Санкциялар

- 2.5.1. ЎзПФЛ лицензия талабгорлари ёки лицензия эгалари регламентда кўрсатилган “В” мезони талабларини бажармагани учун уларга нисбатан санкциялар рўйхатини тузиб чиқиши лозим бўлади.
- 2.5.2. ЎзПФЛ тартиб-интизом қоидалари ва унда кўрсатилган талаблар лицензия талабгорлари ва лицензия эгалари томонидан бажарилмаган тақдирда, уларга нисбатан санкциялар қўллаш ҳукуқига эга.

3. ЛИЦЕНЗИАР

3.1. Лицензия берувчи

- 3.1.1. Лицензиялаш тизимида ЎзПФЛ лицензиар ҳисобланади.
- 3.1.2. ЎзПФЛ клубларни лицензиялаш тартибини бошқаради, лицензиялаш бўйича тегишли бўлинмаларни тайинлайди ва зарур тартиб қоидаларини ўрнатади.
- 3.1.3. Лицензиялаш жараёнида ЎзПФЛ лицензия талабгари томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги молиявий маълумотлар махфий сақланишига кафолат беради.
- 3.1.4. ЎзПФЛ лицензиялаш жараёнида иштирок этаётган шахслар томонидан тақдим этилган маълумотларга нисбатан махфий ёндашишни қаттиқ назоратга олади.

3.2. Клубларни лицензиялаш бўлими (КЛБ)

- 3.2.1. ЎзПФЛнинг Клубларни лицензиялаш бўлими лицензиялаш тизимидаги ишчи орган ҳисобланади.
- 3.2.2. КЛБ ЎзПФЛнинг таркибий бўлими ҳисобланади. КЛБ бошлиғи ва малакали

ходимлар ЎзПФЛ бош директори томонидан тайинланади.

3.2.3. КЛБ вазифалариға қуйидагилар киради:

- а) клубларни лицензиялаш тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва ривожлантириш;
- б) 3.4 ва 3.5 бандларда кўрсатилган бошқарув органларини сўралган маълумотлар билан таъминлаш;
- в) лицензия талабгорлари ва лицензия эгаларига маслаҳат хизматини ташкил қилишда амалий ёрдам бериш ва мавсум давомида уларнинг фаолиятини назорат қилиш;
- г) ОФК ва унга аъзо давлатларнинг лицензиялаш бўлимлари билан тажриба алмашиш мақсадида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

3.2.4. КЛБда ишлаш учун айнан шу соҳа бўйича малакага эга бўлган мутахассис жалб қилиниши ва унинг фаолият юритиши учун етарли шароит яратиб берилиши керак.

3.2.5. КЛБ ходими ёки четдан жалб қилинган молиячи-консультант энг камида молиявий масалаларни бошқаришда малакага эга бўлиши, бухгалтерия, аудит ҳисоби соҳаларида дипломга эга бўлиши ёки юқорида кўрсатилган соҳаларда тегишли иш стажига эга бўлиши керак.

3.3. Бошқарув органлари

3.3.1. ЎФА Ижроия қўмитаси томонидан тайинланадиган бошқарув органлари:

- а) Клубларни лицензиялаш комиссияси (КЛК);
- б) Клубларни лицензиялаш бўйича апелляция комиссияси (КЛАК).

3.3.2. ЎФА Ижроия қўмитаси бюроси бошқарув органлари аъзоларини 2 йил муддатга тайинлайди. Аъзолар биринчи муддат якунига етгач, қайтадан яна 2 йилга тайинланиши мумкин.

3.3.3. ЎФА Ижроия қўмитаси бошқарув органлари аъзоларининг минимум сонини белгилайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг сони 3 (уч) нафардан кам бўлмаслиги керак.

3.3.4. Бошқарув органлари раиси қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи овозга эга.

3.3.5. Бошқарув органлари бир-биридан мутлақо мустақил ҳисобланади.

3.3.6. Бошқарув органлари вакиллари ҳам, КЛБ аъзолари билан бир қаторда, махфийлик қоидаларига қатъий амал қилишлари зарур.

3.3.7. Ҳар бир бошқарув органи таркибида камида 1 (бир) нафардан малакали юрист ва дипломга эга ҳисобчи бўлиши керак.

3.3.8. Лицензия талабгори ва бошқарув органлари аъзолари орасида манфаатли боғлиқлик (масалан, қариндошчилик) бўлса, бошқарув органининг ўша аъзоси айнан шу лицензия талабгорига нисбатан ўтказилаётган овоз бериш жараёнида иштирок этишдан тийилиши керак.

3.3.9. Лицензия талабори билан бошқарув органлари аъзоси ўртасида қандайдир боғлиқлик бўлса (оила аъзоси, ҳамкори ёки яқин таниши), у ҳолда бошқарув органлари аъзоси овоз бериш жараёнида холис бўла олмаслиги мумкин. Шундан келиб чиқиб, бошқарув органларининг шу аъзоси овоз бериш жараёнида иштирок этиш имкониятидан маҳрум этилади.

3.3.10. ЎФА Ижроия қўмитаси КЛК ва КЛАКнинг ишлаш тартибини мувофиқлаштиради.

3.4. Клубларни лицензиялаш комиссияси (КЛК)

3.4.1. Клубларни лицензиялаш комиссияси лицензиялаш жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга биринчи бўғин ҳисобланади ва қуидагиларни белгилайди:

- а) талабгорга лицензия бериш; ёки
- б) лицензия беришни рад қилиш.

Мавжуд ҳужжатлар ва регламентга мос равишда юқоридаги икки қарордан бири қабул қилинади.

3.4.2. Лицензия бериш бекор қилинган тақдирда, бу ҳақдаги қарор ёзма равишда қабул қилиниб, рад қилиш сабаби аниқ кўрсатилиши шарт.

3.4.3. КЛК аъзолари ўз вазифаларини бажараётган вақтда холисона иш олиб боришлари зарур.

3.4.4. ЎФА Ижроия қўмитаси бюроси КЛК аъзолигига ЎФА ва ЎзПФЛ ходимларини жалб қиласди. ЎзПФЛ бош директори КЛКга аъзо бўлиши мумкин эмас.

3.4.5. КЛК аъзолари ўз лавозим вазифалари ва комиссия фаолиятини юридик томондан бир-бирига қўшиб юбормасликлари зарур.

3.5. Клубларни лицензиялаш бўйича апелляция комиссияси (КЛАК)

3.5.1. Клубларни лицензиялаш бўйича апелляция комиссияси КЛК томонидан чиқарилган қарорларга нисбатан келиб тушган ёзма шикоятларни ўрганиб чиқади ва унинг асосида ҳал қилувчи қарорни чиқаради.

3.5.2. КЛАКга шикоят апелляциясини қуидагилар бериши мумкин:

- а) лицензия бериш жараёнида КЛК томонидан лицензия берилиши рад этилган талабгор;
- б) КЛК томонидан мавжуд лицензиядан маҳрум этилган лицензия эгаси;
- в) ЎзПФЛ бош директори.

3.5.3. КЛАК ўз қарорларини КЛК қарори асосида ва апелляция шикоятида кўрсатилган ҳужжатлар асосида қабул қиласди. Апелляция шикояти уни расман қабул қилиш мумкин этилган санадан кечиккан тақдирда, уни қабул қилиш ёки қилмаслик КЛАК раисининг розилигига кўра амалга оширилади.

3.5.4. Лицензия бериш рад қилинганлиги ҳақидаги қарор ёзма равишда рўйхатдан ўтказилиши ва қабул қилинган қарор бўйича асослар келтирилган бўлиши керак.

- 3.5.5. КЛАК аъзолари ЎФА ва ЎзПФЛ маъмурияти вакилларидан бўлмаслиги керак. КЛАК аъзолари бошқа бир қонун чиқарувчи орган ёки ЎзПФЛ Ижроия қўмитаси аъзоси бўлмаслиги керак.

4. ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБГОРИ ВА ЛИЦЕНЗИЯ

4.1. Лицензия талабори

- 4.1.1. Лицензия олиш учун ариза берадиган юридик шахс ва/ёки тижорат ташкилоти лицензия талабори ҳисобланади (бобнинг кейинги ўринларида “лицензия талабори” атамаси лицензияга талабгор деб номланиши мумкин).
- 4.1.2. Лицензия талабори юридик шахс ёки тижорат ташкилоти сифатида ОФК ёки ЎзПФЛ аъзоси бўлиш учун интилади. У миллий ва халқаро мусобақаларда иштирок этувчи клубга жавобгар бўлгани ҳолда, Ўзбекистон қонунчилиги, ОФК устави ёки ушбу регламент асосида аниқланади.
- 4.1.3. Лицензия талабори лицензиялашнинг муҳим мезонларига мос келишини баҳолаш учун КЛБ лицензия талаборининг қўйидаги шартга мос келишини инобатга олиши шарт:
- а) Ўзбекистонда тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтиши ва ўзининг уй учрашувларини унинг худудида ўтказиши керак. Агар вазият тақозо этса, ЎзПФЛ ёки ЎФА Ижроия қўмитаси ФИФА ҳамда ОФК уставлари асосида истисно ҳолатларни белгилаши мумкин.
- 4.1.4. Жисмоний шахслар лицензия олиш учун ариза бериши ёки лицензия эгасига айланиши мумкин эмас.
- 4.1.5. Лицензия талабори миллий ва халқаро мусобақаларда қатнашиши ҳамда ЎзПФЛ клубларини лицензиялаш талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.
- 4.1.6. Лицензия талабори қўйидаги талабларни бажариши шарт:
- а) клубнинг барча ўйинчилари ЎФА ва/ёки ЎзПФЛда рўйхатдан ўтган бўлиши (агар гап профессионал футболчи ҳақида кетса, лицензия талабори футболчи билан тузилган меҳнат шартномасини тақдим этиши шарт);
- б) шартнома ёки ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришда ўйинчиларга тўланадиган барча компенсациялар, стадионга ташриф буюрган томошибинлар тушуми ва ҳомийлик тушумлари лицензия талаборининг бухгалтерия ҳисботида бўлиши;
- в) лицензия талабори ўз футбол жамоасидаги футболчилар учун жавобгарликни зиммасига олиши (футбол учрашувлари, машғулотлар ва йиғинлар давомидаги масъулият);
- г) лицензия берувчига лицензия талабори томонидан ушбу регламентда кўрсатилган барча маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилиши. Шу ўринда лицензия берувчи лицензия талабори барча талабларга жавоб берадиган ҳужжатларни тақдим этганлигини аниқлаб олиши керак.
- 4.1.7. Агар лицензия талабори қандайдир шўъба корхонаси томонидан бошқариладиган бўлса, у ҳолда умумлашган молиявий ҳисбот тайёрланиши ва лицензия берувчига тақдим этилиши лозим.

4.1.8. Агарда лицензия талабгари бирор бир компания томонидан бошқарилса ва мазкур корхона ўз навбатида бошқа корхоналарни ёки шўъба корхоналарни ҳам бир вақтда бошқарса, у ҳолда молиявий ҳисоботда барча алоқадор корхона ёки ташкилотлар ҳақида маълумот берилган бўлиши, клубнинг даромад ёки харажатларига бунинг таъсири ҳақида ахборот мавжуд бўлиши лозим.

4.2. Лицензиат

4.2.1. Лицензия берувчи лицензия талабгорига лицензия тақдим этганидан сўнг, талабгор лицензия эгасига – лицензиатга айланади.

4.3. Лицензия

4.3.1. Лицензия амалдаги регламентга мос равишда тақдим этилиши лозим.

4.3.2. Ушбу регламентдаги мезонларга жавоб берувчи лицензия талабгари ЎзПФЛ томонидан белгиланган лицензиялаш жараёнида:

- а) ЎзПФЛнинг жорий футбол мавсумидаги мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини;
- б) шунингдек, агар лицензия талабгари ОФК тасарруфидаги клублар миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритган бўлса, у ҳолда ўша клуб ОФК клублари мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини;
- в) ПФК сифатида амалдаги қонунчиллик билан белгиланган солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

4.3.3. Лицензияни бошқа шахсга бериш мумкин эмас.

4.3.4. Лицензия берувчи томон клубларга лицензиядан ўтиш жараёни бошланиши ҳақида ёзма равишда ҳат юбориши лозим. Ўз навбатида, лицензия талабгорлари ҳам ёзма равишда хатни олганликларини тасдиқлаши ва улар ЎзПФЛ лицензия талабномаларининг барчасига амал қилишларини келтириб ўтишлари керак.

4.3.5. Лицензия муддати қуйидаги ҳолларда огоҳлантиришларсиз тугатилади:

- а) ЎзПФЛ томонидан аввалдан белгилаб қўйилган футбол мавсуми якунига етса ва бу вақт мобайнида лицензия эгаси ўз лицензиясини келаси мавсум учун қайта рўйхатдан ўтказмаган бўлса;
- б) ЎзПФЛ томонидан бекор қилинган тақдирда.

4.3.6. Қуйидаги ҳолатларда футбол мавсуми мобайнида тегишли бошқарув органлари томонидан лицензия бекор қилиниши мумкин:

- а) лицензия эгаси қандайдир сабабларга кўра тўловларни амалга оширишга қодир бўлмаса ёки мавсум давомида клубни тугатиш жараёнини амалга оширса;
- б) лицензия олиш учун шарт этиб қўйилган талаблардан маълум бирига амал қилинмаса ёки амал қилиниши тўхтатилса;
- в) лицензия эгаси регламентда кўрсатилган мажбуриятлардан бирини бажаришдан бош тортса.

4.4. ОФКнинг клублар ўртасидаги мусобақаларида қатнашиш

- 4.4.1. Клублар ОФКнинг клублар ўртасидаги мусобақаларида қатнашиши учун лицензияга эга бўлишлари шарт. ЎзПФЛ ва/ёки ОФК мусобақаларида қатнашган клублар лицензиялаш мавсуми тугагач, лицензияни янгилашга мажбуrlар.
- 4.4.2. Агар ЎзПФЛ ОФК мусобақаларида қатнашаётган клубдан лицензияни қайтариб олмоқчи бўлса, зудлик билан бу ҳақда ОФКни хабардор қилиши зарур. Клубни ОФК мусобақасидан четлатиш ҳақидаги ҳар қандай қарор ОФКнинг ҳукуқий органлари томонидан қабул қилиниши керак.
- 4.4.3. ОФК мусобақаларида қатнашишга рухсат олиш учун клублар ташкилотнинг амалдаги клублар мусобақаларини ўтказиш регламентида кўрсатилган талабларга жавоб берishi лозим.
- 4.4.4. Клубларга ОФК мусобақаларида қатнашиш учун ОФКнинг масъул органи рухсат беради. Низомга кўра, бу каби қарорлар ОФК юрисдикцияси билан бир қаторда, Лозаннадаги Спорт арбитраж судига келиб тушади (ОФК низомининг 61-моддаси).

4.5. ОФКнинг клублар ўртасидаги мусобақаларида қатнашиш учун маҳсус ОФК клубларини лицензиялаш тизимининг ишлатилиши

- 4.5.1. Агар клуб ОФК мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритса-ю, лекин у қуийи дивизионда ўйнаши туфайли маҳаллий лицензиялашдан ўтмаган бўлса, УФА клуб номидан лицензиялаш тизимини маҳсус ишлатиш учун ОФКга алоҳида сўров юбориш ҳуқуқига эга бўлади.
- 4.5.2. Юқорида тилга олинган маҳсус тизимининг ишлаш жараёни ОФК клубларини лицензиялаш регламентининг 4-бўлимида кўрсатилган (“Лицензия талабгори ва лицензия”).

5. АСОСИЙ ЖАРАЁН

5.1. Тамойиллар

- 5.1.1. Асосий жараён лицензияни унинг эгасига бериш/янгилаш учун ушбу регламентда кўрсатиб ўтилган ва ЎзПФЛ мезонларига мос келадиган минимал талаблар рўйхатини текширишни ўз ичига олади.
- 5.1.2. Лицензия берувчи асосий жараённи олиб бориш пайтида барча лицензия талабгорлари ва эгаларига бир хил муносабатда бўлиши шарт.

5.2. Лицензиялашнинг асосий жараёни учун зарур бўлган ахборот

- 5.2.1. Лицензиялаш жараёни аввалида КЛБ клубларга лицензиялашнинг асосий жараёни дастури, жадвали ва муддати ҳақида маълумот юборади.
- 5.2.2. Лицензиялашнинг асосий жараёни дастури энг камида қуйидаги маълумотларни қамраб олиши керак:
- лицензиялаш бўйича лицензия талабгорлари/эгаларига ҳужжатларни тақдим этиш;
 - лицензиялаш мезонларига жавоб беришини исботлаш учун ЎзПФЛга лицензиялаш ҳужжатларини тақдим этиш муддатини белгилаш;
 - КЛБ мутахассислари (жалб этилган шахслар, текширишлар, объектларга ташриф буюриш ва бошқалар) томонидан ҳужжатларни баҳолашдан ўтказиш жараёни;
 - ушбу регламентнинг "Молиявий мезонлар"га оид бўлими асосида лицензия берувчига тушунтириш хати тақдим этиш;
 - тартибга қўйилган жараён асосида ваколатли органлар қабул қилган қарорларни баҳолаш;
 - ички мусобақалар якунига кўра ОФКнинг клублар иштироқидаги мусобақаларида иштирок этадиган клублар учун ОФКнинг клубларни лицензиялаш талаблари акс эттирилган қарорлар рўйхатини тақдим этиш.
- 5.2.3. Асосий жараённинг қисқача мазмуни ушбу регламентнинг 1-иловасида кўрсатилган.

6. СПОРТ МЕЗОНЛАРИ. Суперлига клублари учун

№	Даражा	Тушунтириш
S.01	A	<p>Аёллар футболи ва футзал жамоаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида</p> <p>— Лицензия талабори ЎФА ва ЎзПФЛ тасарруфидаги мусобақаларда иштирок этадиган ўзининг футзал жамоасига эга бўлиши ва мазкур жамоанинг йиллик иш режасини ишлаб чиқиши керак.</p> <p>— Вилоятнинг бош жамоаси сифатида мусобақаларда иштирок этажтган лицензия талабори (пойтахт клубларининг ҳар бири учун мажбурий) аёллар футбол жамоасига эга бўлиши ва унинг аёллар чемпионатидаги иштироқини таъминлаши керак (вилоятнинг бош жамоаси ким эканини вилоят ҳокимияти аниқлаб беради).</p>
S.01	B	<p>— Лицензия талабори (агар у вилоятнинг бош жамоаси бўлмаса) аёллар футбол жамоасига эга бўлиши керак.</p> <p>Ечим: Агар мазкур мажбурият лицензия талабори томонидан бажарилмаса, талабгор вилоятнинг бош жамоаси билан келишган ҳолда, аёллар жамоасининг йиллик харажатларини тенг миқдорда</p>

		кўтаради. Ва бу бўйича тегишли шартнома ва маблағнинг ўтказилганилиги бўйича тўлов квитанцияларини топширади.
S.01	C	<p>— Ҳар бир профессионал футбол клуби ўзининг аёллар футбол жамоасига эга бўлиши керак.</p>
№	Даражা	Тушунтириш
S.02	A	<p>Ёшлар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришни ташкил этиш тизими</p> <p>— Лицензия талабори U21 жамоасига эга бўлиши керак (ҳозирги Ёшлар лигасининг ўрнида).</p> <p>— Лицензия талабори ўзининг футбол академиясида энг камида 7та ёш тоифасидаги ўсмирлар ва ёшлар жамоаларига эга бўлиши керак (U11, U12, U13, U14, U15, U16, U17-18). Мазкур талабни лицензиялаш якунига қадар тақдим эта олмайдиган клубларга ЎзПФЛ томонидан қўшимча талаблар ва ЎФА томонидан қўшимча таклифлар киритилади.</p> <p>— Юқорида кўрсатилган жамоаларнинг ҳар бирида минимум 18 (энг кўпидан 22) нафардан футболчи рўйхатдан ўтган бўлиши керак.</p> <p>— Ушбу жамоаларнинг ҳар бири ЎФА ва ЎзПФЛ тасарруфидаги мусобақаларда ёки ҳудудий турнирларда иштирок этиши керак.</p> <p>— Академиянинг энг катта ёш жамоаси (U17-18) ЎзПФЛнинг U18 жамоалари ўртасидаги чемпионатида тўп сурини шарт.</p>
S.02	B	<p>— Лицензия талабори энг камида 2та ёш тоифасидаги болалар жамоаларига (футбол мактабига) эга бўлиши керак (U9, U10).</p> <p>Ечим: Клуб қошида футбол мактаби учун 1та 40x20 м мини-футбол майдончasi қуриш керак.</p>
S.02	C	<p>— Лицензия талабори энг камида 7та ёш тоифасидаги болалар жамоаларига (футбол мактабига) эга бўлиши керак (U4, U5, U6, U7, U8, U9, U10).</p>
№	Даражा	Тушунтириш
S.03	A	<p>Ёшлар, ўсмирлар ва болалар футболини ривожлантириш дастури</p> <p>— Лицензия талабори ёзма кўринишда ёшлар футболини ривожлантиришга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиши ва бу дастур лицензия берувчи томонидан тасдиқланган бўлиши керак.</p>

		<p>Ушбу дастур энг камида қуидаги маълумотларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) ёшлар футболини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари; б) ўйин фалсафасини ривожлантиришга қаратилган дастур ишлаб чиқиш (техника, тактика, жисмоний юкламалар, назарий билимлар, футбол қоидаларини ўргатувчи дастурлар, футболга йўналтирилмаган, аммо футболчилар учун фойдали бўлган қўшимча таълим дастурлари, дастурнинг қандай ишлаётганини аниқлаб берувчи мониторинг ва баҳолаш тизими); в) ёш футболчиларга тиббий хизмат кўрсатиш шароитини яратиш; г) тегишли малакага эга бўлган ходимлар (техник, тиббий, маъмурий ва ҳоказо); д) машғулотлар, футбол учрашувлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун зарурый инфратузилма; е) мазкур жамоаларнинг ҳар бири учун, футболчиларнинг ёшидан келиб чиқиб, алоҳида индивидуал дастурлар тузилган бўлиши керак; ж) мавсум давомида иштирок этадиган мусобақалар учун тақвим режаси. <p>— Лицензия талабори келажақда ёшлар футболини ривожлантириш дастури асосида клубдаги ёш футболчиларнинг мажбурий таълим олишларига кўмаклашиши ва қўшимча таълим фанларини ўқитиш тизимини йўлга қўйиши керак. Ҳар бир ёш футболчи Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ умумтаълим мактабларида ва бошқа таълим муассаларида таълим олиши керак, клуб бунга шароит яратиб беришга масъул.</p>
S.03	B	<p>— Ёшлар, ўсмирлар ва болалар футболига жавобгар бўлган мутахассислар, мураббийлар энг камида йилда бир марта ЎФА ҳамда ЎзПФЛ билан ҳамкорликда футболи тараққий этган мамлакатлар клубларининг академиялари фаолиятини ўрганиш учун юборилиши керак (семинарда иштирок этган мутахассис академия тарбияланувчилари билан учрашув ўтказиши ва ўзи борган хорижий футбол академиясининг қай жиҳатларини ўз академиясига сингдиргани борасида лицензия берувчига ёзма ҳисобот тақдим этиши керак).</p> <p>Ечим: Минтақада ЎзПФЛ талаби бўйича айтилган ёш тоифасидаги болалар ўртасида футбол мусобақаси ташкил этиш.</p>
S.03	C	<p>— Лицензия талабори томонидан ташкил этилган футбол академиясида хорижий тажрибали футбол мутахассисларининг фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқдир.</p>
№	Даража	Тушунтириш
S.04	A	<p>Футболчилар билан алоқалар, жисмоний тайёргарлик бўйича нормативлар ва тиббий кўрик масаласи</p> <p>— Лицензия талаборининг асосий ва U21 жамоаси йилда икки марта (бири чукурлаштирилган) Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида тиббий кўриқдан ўтади, шунинг асосида</p>

		<p>рухсат этилган футболчилар мусобақага қўйилади.</p> <p>— U18, аёллар ва футзал жамоалари эса йилда икки марта спорт медицинаси билан шуғулланувчи марказда текширудан ўтиши ҳамда буни лицензия берувчига исботлаб бериши керак бўлади (марказ тақдим этган анализлар асосида).</p> <p>— Лицензия талабгорининг асосий таркиби ва U21 жамоаси мавсум бошида ва мавсум ўртасида жисмоний тайёргарлик бўйича тест ва нормативлар топшириши шарт.</p> <p>— Лицензия талабори клубдаги барча футболчилар, мураббийлар ва техник ходимларни мажбурий суғуртадан ўтказиши керак. Бундаги суғурта суммаси футболчининг расмий ўйинлардаги эҳтимолий оғир жароҳатларини операция қилдириш учун етарли даражада бўлиши керак (клуб буни лицензия берувчига исботлаб беради).</p> <p>— Давлат корхоналари, давлат улуши бор корхоналар (фирмалар), ҳокимликлар томонидан молиялаштириладиган футбол клуби ўз футболчилари, мураббийлари ва техник ходимлари билан шартнома имзолаётганда ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган намунавий шартномадан фойдаланади ва унинг асосий талабларини ўзгаришсиз қолдиради.</p>
--	--	--

№	Даража	Тушунтириш
S.05	A	<p>Ўқув семинарлари</p> <p>— Суперлига футбол клублари ЎФА ҳамда ЎзПФЛ мутахассислари билан боғланиб, ўз футболчилари, мураббийлари ва техник ходимлари учун ўқув семинарлар, тренинглар ташкил этиб беришни йўлга қўйиши лозим (ҳакамлик масаласида, ўйин қоидалари борасидаги ўзгаришлар, келишилган ўйинларга қарши кураш масаласида, ирқчиликка қарши курашиш масаласида, допинг масаласида, футболчилар ва мураббийлар билан шартномалар масаласида).</p>
S.05	B	<p>Ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган акциялар</p> <p>— Суперлига клублари футболчилари ижтимоий акциялар ҳамда маросимларда (болалар ва қариялар уйларига, таълим муассасаларига ташрифлар, муҳлислар билан учрашувлар) иштирок этишлари керак. Клуб ЎФА ёки ЎзПФЛ хатлари асосида бундай тадбирларга ўз футболчиларини юбориш учун масъулдир.</p>

7. ИНФРАТУЗИЛМА МЕЗОНЛАРИ. Суперлига клублари учун

№	Даражा	Тушунтириш
I.01	A	<p>ЎзПФЛ ҳамда ОФК тасарруфидаги мусобақалар учун тасдиқланган стадионлар</p> <p>— Лицензия талабори ЎзПФЛ ҳамда ОФК тасарруфидаги (агар клуб ОФК тасарруфидаги клублар мусобақасида иштирок этса) мусобақалар учун ўз стадионига эга бўлиши шарт. Бунинг учун клублар:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) ўз шахсий стадионига эга бўлиши; ёки б) клуб фойдаланадиган шу ёки бошқа стадионлар эгаси билан тузилган тегишли шартномани тақдим этиши шарт. Бундай шартнома клубнинг келгуси мавсумдаги ўз уй учрашувларини (ҳам ЎзПФЛ, ҳам ОФК тасарруфидаги мусобақаларда) ушбу стадионда ўтказишини таъминлаши керак. <p>— Стадион, шунингдек, ОФК ва ЎзПФЛ тасарруфидаги клублар мусобақаларини ўтказадиган стадионлар учун маҳсус қоидаларда кўрсатилган талабларга жавоб бериши шарт (тўлиқ талаблар алоҳида хужжатларда тақдим қилинади).</p> <p>— Стадион ЎзПФЛ томонидан тасдиқланиши ва Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бўлиши шарт.</p> <p>— Стадионларда ўз учрашувларини ўтказадиган мезбон футбол клубларининг ҳар бири шу ҳудудда жойлашган ИИБ билан оммавий тадбирларни ўтказиш масаласи юзасидан ёзма келишувга эришган бўлиши керак.</p> <p>— Стадион лицензия берувчи томонидан қўйилган талабларга жавоб берган тақдирдагина жамоанинг уй учрашувлари учун яроқли деб қабул қилинади. Талаб даражасида бўлмаган стадионларда жамоалар уй учрашувларини ўтказа олишмайди.</p> <p>— Суперлига клубининг уй стадионидан ТВ учун тўғридан-тўғри трансляцияни амалга ошириш учун барча имконият яратилган бўлиши шарт. Лицензия талабори мазкур масала юзасидан ЎзМТРК билан иш олиб боради ва бу борадаги тегишли билдиришномани лицензия берувчига тақдим этади.</p> <p>— Лицензия берувчининг талабларига жавоб берадиган стадионда бир лиганинг максимум икки клуби ўз уй учрашувларини муентазам равишда ўтказиши мумкин.</p>

I.01	B	<p>— Клуб стадионида футбол мухлисларини ўзига жалб қилувчи ҳамда зарур барча шароитлар яратилган бўлиши керак (клуб дўкони, тамаддиҳоналар, салқин ичимликлар ва ширинликлар савдоси учун расталар, кўнгилочар ўйинлар, таҳоратхоналар ва ҳоказо).</p> <p>— Клуб стадионнинг ТВнинг видеокамералари қаратилган томони мухлислар билан гавжум бўлиши учун масъулдир. Бу трибуналарда мухлислар сони етарлича бўлмаса, қолган мухлислар шу трибунага кўчишини клуб таклиф этади.</p> <p>Ечим: “А” ва “В” мезонларидаги талабларга жавоб бермайдиган клубларга нисбатан санкциялар анча жиддий бўлади. Бунда клублар легионер футболчилар хизматидан фойдаланиш, ўз майдонида уй учрашувларини ўтказишни тақиқловчи ва бошқа қатор жиддий санкциялар билан тўқнашади. Айнан қайси талабга қандай чора кўрилиши масаласини ЎзПФЛ комиссияси ҳал қиласи.</p>
------	---	---

№	Даражा	Тушунтириш
I.02	A	<p>Ўқув-машғулот базаси</p> <p>— Лицензия талабори йил давомида ўқув-машғулот йигинларини ўтказиши мумкин бўлган ўз тасарруфидаги обьектларга эга бўлиши шарт. Бунда:</p> <p>а) ўқув-машғулот обьектларига эгалик қилиши; ёки б) ўқув-машғулот обьектлари эгаси билан тузилган ёзма шартномани тақдим этиши лозим (бундай шартнома мавсум давомида ўқув-машғулот обьектидан фойдаланишни кафолатлайди).</p>

№	Даражा	Тушунтириш
I.03	A	<p>Клуб оғиси</p> <p>— Лицензия талабори ўз ишини амалга ошириш учун оғис биносига эга бўлиши керак. Оғисда телефон, факс, интернет каби масалаларда муаммо бўлмаслиги лозим. Лицензия талабгорининг оғиси лицензия берувчи ва жамоатчилик учун очик бўлиши зарур.</p>

№	Даражा	Тушунтириш
I.04	A	<p>Ёшлар футболини ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастур учун ўқув-машғулот обьектлари (футбол академияси)</p> <p>— Лицензия талабори ёшлар футболини ривожлантириш бўйича дастурга асосан ўзининг 7та ёш тоифасидаги жамоаларини (футбол академияси жамоалари) қамраб оловчи, улар тўлақонли футбол сабоғини олишга имкон берувчи обьектга эга бўлиши керак.</p>

8. ХОДИМЛАР ВА КЛУБ МАЪМУРИЯТИГА ОИД МЕЗОНЛАР. Суперлига клублари учун

№	Даражा	Тушунтириш
Р.01	A	<p>Клуб раҳбарияти</p> <p>— Футбол клубининг президенти ёки унинг бошқарув кенгashi жамоа бош директорини тайинлади (сайлайди). Ўз навбатида, бош директор клуб штатини ташкил қилади, уни бошқаради ва клуб/жамоанинг барча масалалари жавобгарликни ўз зиммасига олади.</p> <p>— Бош директор жамоанинг ЎзПФЛ, ЎФА, ОФК ёки ФИФА каби ташкилотлар олдидағи масъулияти учун тўлиқ жавобгардир.</p> <p>— Лицензия талабгорининг маъмурий бошқарувида қуйидаги лавозимлар (ходимлар) бўлиши шарт:</p> <ul style="list-style-type: none"> - спорт директори (олий маълумотли); - техник директор (“А” лицензия эгаси); - юрисконсульт (юридик соҳа вакили); - халқаро бўлим мутахассиси (инглиз тилини чуқур биладиган); - хавфсизлик масалалари бўйича мутахассис; - кадрлар бўйича масъул; - лицензиялаш менежери (инглиз тилида эркин сўзловчи); - бухгалтер; - тижорий масалалар бўйича мутахассис (маркетолог); - матбуот котиби; - фотограф; - видеотасвирчи; - сайт ва ижтимоий тармоқлар администратори (IT соҳаси мутахассиси); - фан-клублар билан ишловчи менежер. <p>— Жамоанинг асосий таркиби учун қуйидаги персоналлар бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бош мураббий (“Pro” лицензияси билан); - аналитик; - бош мураббий ёрдамчisi (минимум “А” лицензиясига эга бўлиши керак); - мураббий (минимум “B”); - жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий (Level 1 ёки “B”); - дарвазабонлар мураббийи (Level 1); - администратор; - шифокор (соҳа дипломига эга); - массажчилар (соҳа дипломига эга); - физиотерапевт (соҳа дипломига эга); - камиди 23 нафар футболчи.

		<p>— U21 жамоаси учун қуйидаги персоналлар бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - катта мураббий (минимум “А”); - ёрдамчи мураббий (минимум “В”); - дарвозабонлар мураббийи (Level 1); - администратор; - шифокор (соҳа дипломига эга); - массажчи (соҳа дипломига эга); - камида 22 нафар футболчи. <p>— Футбол академиясида қандай персоналлар бўлиши лозимлиги ЎФАНИНГ Футбол академияларини ривожлантириш бошқармаси томонидан тақдим этилади.</p> <p>— Аёллар жамоасида қуйидаги персоналлар бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бош мураббий (минимум “В”); - бош мураббий ёрдамчиси (минимум “С”); - дарвозабонлар мураббийи (Level 1 ёки “С”); - администратор; - шифокор (соҳа дипломига эга); - массажчи (соҳа дипломига эга); - камида 18, кўпи билан 25 нафар футболчи. <p>— Футзал жамоасида қуйидаги персоналлар бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бош мураббий (Level 2); - мураббий ёрдамчиси (Level 1); - администратор; - шифокор (соҳа дипломига эга); - массажчи (соҳа дипломига эга); - камида 14, кўпи билан 25 нафар футзалчи. <p>— Хусусий футбол клублари ўз персоналларини ўзлари ихтиёрий равишда белгилайди (ЎзПФЛ талаби асосида). Бироқ уларда энг камидаги юқоридаги штатлар бўлиши шарт.</p> <p>— Футбол клубида асосий жамоанинг ўз администратори бўлади. Қолган жамоалар учун умумий битта администратор ажратиш мумкин (бунда клуб жамоаларнинг мусобақаларга ўз вақтида ва маромида етиб келишини ўз зиммасига олади).</p> <p>— Лицензия талабори бош директор, бош мураббий, техник директор ҳамда футболчилар билан бир ёки бир неча йиллик, қолган барча ходимлар билан тузилган бир йиллик шартномаларни лицензия берувчига тақдим этиши керак.</p>
P.01	B	<p>— Лицензия талабори жамоа мураббийлари, футболчилари билан боғлиқ трансфер, истеъло ва бошқа ўзгаришлар ҳақида расман эълон қилгунига қадар лицензия тақдим этишини (ЎзПФЛни) огоҳлантириши шарт.</p>

9. ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНЛАР. Суперлига клублари учун

№	Даражा	Тушунтириш
L.01	A	<p>ЎзПФЛ ва ОФК клублари мусобақаларида қатнашиш ҳақида декларация</p> <p>— Лицензия талабгори қонунчиллик бўйича амалда бўлган декларацияни тақдим этиши керак. Унда қуидагилар тасдиқланган бўлиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) у ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛнинг футбол фаолиятини тартибга солиш бўйича юридик кучга эга бўлган низом, регламент, меъёрий ҳужжатлари ва қарорларини тан олиши керак; б) у ҳар қандай, хусусан, ФИФА ва ОФК иштирок этган низоларни ҳал қилишда Лозаннадаги Спорт арбитраж судининг мутлақ юрисдикциясини тан олади; в) ФИФА ва ОФК низомига кўра, у умумий юрисдикция судларига мурожаат қилиш тақиқланганини тан олади; г) у ЎФА ва ЎзПФЛ ички мусобақаларида қатнашади; д) у ОФК тан олган ҳалқаро мусобақаларда қатнашади. Ушбу қоида ўртоқлик учрашувларига тегишли эмас; е) у ушбу регламентда кўрсатилган шартларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади; ж) барча тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ва ишончли экани борасидаги масъулият тақдим этувчининг зиммасида бўлади; з) лицензия берувчи лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ва ҳақиқийлигини текшириш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров юбориш ҳуқуқига эга; и) лицензия талабгори ФИФА, ОФК ёки ЎзПФЛ истагига кўра айнан танлаб олиб текширилаётган вақтда мазкур ўрганиш жараёнига ўз эътирозини билдиrmайди. ОФК ёки ЎзПФЛ текширув ўtkазиш мақсадида исталган клубни танлаб олиш ҳуқуқига эга; к) лицензиялаш жараёнидан ўtkазиш даврида лицензия талабгори билан боғлиқ сезиларли ўзгаришлар (иктисодий) кузатилса, талабгор бу ҳақда лицензия берувчини огоҳлантириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. <p>— Мазкур декларация уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган лицензия талабгорининг бош директори томонидан имзоланади ва лицензия берувчи талаб қилган муддатда топширилади.</p>
Nº	Даражा	Тушунтириш
L.02	A	<p>Лицензия талабгорининг таъсис, гувоҳнома ва меҳнат шартномаси ҳужжатлари</p> <p>— Лицензия талабгори қуидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) лицензия талабгорининг амалдаги қонунчиллик бўйича рўйхатдан ўтган таъсис ҳужжати нусхаси (устав); б) лицензия талабгорининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги

		гувоҳномаси нусхаси (корхона номи, манзили, юридик шакли). — Лицензия талабгори барча футболчилар, мураббийлар ва техник ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари нусхасини лицензия берувчига тақдим этиши керак.
--	--	--

№	Даража	Тушунтириш
L.03	A	<p>Мулк ҳуқуқи ва клубларни бошқариш</p> <p>— Лицензия талабгори клубни бошқариш механизми ва мулкчилик шакли аниқ кўрсатилган тегишли ҳужжатни тақдим этиши лозим.</p> <p>— Клуб бошқарувида, маъмуриятда ва/ёки клуб спорт фаолиятида қатнашадиган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс:</p> <p>а) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа клубнинг қимматли қоғозлари, акциялари ёки улушининг эгаси бўлмаслиги ва улар билан ишламаслиги зарур;</p> <p>б) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа клубнинг акционерлари ичida қўпчилик овозга эга бўлмаслиги керак;</p> <p>в) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг маъмурияти, бошқаруви ва кузатув органидан кимнидир ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги лозим;</p> <p>г) бошқа бир клуб акцияларига (улушларига), гарчи қолган акциядорлар билан келишган тақдирида ҳам, эгалик қила олмайди;</p> <p>д) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг вакили бўлмаслиги шарт;</p> <p>е) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг маъмурияти, бошқарувида ишламаслиги ва/ёки спорт ютуқларида, фаолиятида қатнашмаслиги зарур;</p> <p>ж) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубда ҳеч қандай таъсир кучи бўлмаслиги шарт.</p>

№	Даража	Тушунтириш
L.04	A	<p>Клубда қабул қилинган тартиб-интизомлар</p> <p>— Лицензия талабгори Ўзбекистон қонунчилигига, ФИФА, ОФК, ЎФА низомларига ҳамда ЎзПФЛ регламентига мос келиши лозим бўлган клубнинг ички тартиб-интизом регламентини тақдим этиши керак. Клуб ушбу регламентда кўрсатилган қоидаларни бузган тақдирида, мазкур иш суд тартиби бўйича кўриб чиқилади ҳамда ваколатли орган томонидан юридик жиҳатдан ўрнатилган санкцияларга тортилиши мумкин.</p>
L.04	B	<p>— Лицензия талабгори Ўзбекистон қонунчилиги, ФИФА, ОФК ва ЎФА низоми, қонун ва қоидаларига мос равишда юридик кучга эга бўлган Аҳлоқ кодексини ишлаб чиқиши тавсия этилади.</p> <p>Ечим: Футболчилар, мураббийлар ва бошқа ходимларга</p>

		қўлланилиши мумкин бўлган эҳтимолий жарималарни қоида бузувчилар эмас, клубнинг ўзи тўлаб беради.
--	--	---

10. МОЛИЯВИЙ МЕЗОНЛАР. Суперлига клублари учун

Ўтган давр бўйича молиявий маълумотлар

№	Даражा	Тушунтириш
F.01	A	<p>Аудит текширувидан ўтказилган охирги йиллик молиявий ҳисобот</p> <p>— Лицензия талабгорининг ташкилий-хуқуқий тузилмаси қандай бўлса ҳам, у давлат қонунчилигига зид келмаган равишда йиллик молиявий ҳисобот тайёрлаши керак. Ушбу ҳисобот мустақил аудиторлар томонидан текширилган бўлиши лозим (хусусий бўлмаган клублар учун мустақил аудитор лицензия берувчи томонидан танлаб олинади).</p> <p>— Йиллик молиявий ҳисоботдаги маълумотлар регламентга асосан лицензия талабгари ва лицензия берувчи ўртасида сир сақланиши ва бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш тамойилларига жавоб бериши керак.</p> <p><i>1-вариант</i> Агар аудит билан тасдиқланган йиллик молиявий ҳисобот ушбу регламент қоидаларига ва бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш тамойилларига жавоб берса, қўшимча маълумот тақдим қилиш шарт эмас.</p> <p><i>2-вариант</i> Агар аудит билан тасдиқланган йиллик молиявий ҳисобот минимал талабларга ва бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш тамойилларига жавоб бермаса, лицензия талабгари қўшимча маълумотни тайёрлаб, аудиторга, аудитор шу иш бўйича ўз хулосасини берганидан сўнг эса лицензия берувчига тақдим этиши лозим.</p>
F.02	A	<p>Текширувдан ўтган оралиқ молиявий ҳисобот</p> <p>— Лицензиялаш жараёни бошланган даврда лицензия талабгорининг жорий йил учун йиллик молиявий ҳисботи тайёр бўлиб улгурмайди. Шундан келиб чиқиб, лицензия берувчи томон лицензия талабгоридан оралиқ молиявий ҳисботни талаб қилишга ҳақли. Мазкур оралиқ молиявий ҳисбот мустақил аудитор текширувидан ўтган бўлиши ҳамда лицензиялаш бўйича регламентнинг минимал талабларига жавоб бериши керак.</p>

№	Даражा	Тушунтириш
F.03	A	<p>Трансферлар бўйича бошқа клублар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқлиги</p> <p>— Лицензия талабори бошқа клублар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқлиги (масалан, ФИФАнинг футболчиларнинг мақоми бўйича қўмитаси, ФИФАнинг низоларни ҳал қилиш палатаси ва Спорт арбитраж судининг якуний ва мажбурий қарорлари) масаласини лицензия берувчига исботлай олиши керак. Қишки трансфер мавсуми стартига қадар бўлган қарздорлик келаси мавсум бошлангучида тўланган ва/ёки кредиторлар билан келишилган ҳолда тўлов муддати узайтирилган бўлиши керак. Клуб ва кредиторлар ўртасидаги низога навбатдаги мавсум стартигача ечим топилмаган бўлиб, иш тегишли органлар томонидан кўриб чиқиш жараёнида давом этаётган бўлса (давом этаётганини исботловчи хужжат тақдим этилса), клуб чемпионат ўйинларига шартли равишда қўйилади.</p>
F.03	B	<p>Ходимлар, ижтимоий ва солиқ органлари ҳамда бошқа ташкилотлар олдидағи қарздорлик тўғрисида</p> <p>— Лицензия талабори амалдаги/собиқ ходимлари билан шартномалар ва ҳуқуқий мажбуриятлар бўйича талабларни тўлиқ адо этиши шарт. Мазкур масалада, шунингдек, ижтимоий, солиқ органлари ҳамда бошқа ташкилотлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган клубларга лицензия берувчи томонидан муддат белгиланади. Муддат якунига қадар қарздорлик бартараф этилмаса, клубга нисбатан санкциялар қўлланилади (жамоа лигадан четлатилиши ҳам мумкин).</p> <p>Ечим: Футболчи ва мураббийлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган клублар трансфер ойнасида фаол бўла олмайди. Қарздорлик бартараф этилмагунига қадар мазкур клублар биринчи навбатда ёзги трансфер вақтида, кейин эса қишки трансферда янги футболчиларни рўйхатдан ўтказа олмайди.</p> <p>— Лицензия талаборининг 2019 йилги мавсум учун йиллик харажатлар сметаси 25 миллиард сўмдан кам бўлмаслиги керак.</p> <p>Ечим: Футбол клуби биринчи молиявий инқирозининг ўзидаёқ лигадан четлаштирилиши мумкин. Шунингдек, ушбу жамоа ундан кейинги йилги мавсумда ҳам юқори дивизионда ўйнай олмайди.</p>
F.04	A	<p>Лицензиялаш қарорига қадар ёзма ариза</p> <p>— Клубларни лицензиялаш бўлими (КЛБ) лицензия талаборидан биринчи навбатда иқтисодий аҳамиятга эга ва клуб бухгалтерлик балансида акс эттирилган, молиявий аҳволга салбий таъсир ўтказган</p>

		воқеа ҳамда ҳодисалар рўй берганлиги ҳақида ёзма ариза талаб қилишга ҳақли.
№	Даражা	Тушунтириш
F.05	A	<p>Келгуси молиявий ахборот</p> <p>— Лицензия талабори қуидагилардан иборат бўлган келгуси молиявий ахборотни тақдим этиши лозим:</p> <p>а) даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳаси;</p> <p>б) пул воситалари ҳаракати ҳақида ҳисбот лойиҳаси;</p> <p>в) изоҳ, тахминий, таваккал ва аниқ кўрсаткичларни таққослаш.</p> <p>— Келгуси молиявий ахборот асосли бўлиши ва ушбу регламентда белгиланган камчиликларни қоплаш талабларига жавоб берадиган тахминларга асосланган бўлиши керак.</p>

Кейинги маълумот

F.06 ва F.07 мезонлари лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг қўлланилади. F.06 мезони барча лицензиатларга нисбатан қўлланилади. F.07 мезони эса фақатгина тақдим этилган ҳужжатларда камчиликка йўл қўйган лицензиатларга нисбатан қўлланилади.

№	Даражा	Тушунтириш
F.06	A	<p>Келаси ҳодисалар ҳақида огоҳлантириш</p> <p>— Бошқарув органи томонидан лицензия бериш ҳақидаги қарор чиқарилганидан сўнг, лицензиат лицензия берувчига мавсум охирига қадар ўз фаолияти давомида шубҳа уйғотувчи ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар қилмаслик, шунингдек, клубдаги лицензиялаш жараёнига оид ўзгаришлардан хабардор этиб туриш мажбуриятини олгани ҳақида кафолат хати бериши керак.</p>
F.07	B	<p>Келгуси молиявий ахборот янгиланиши ҳақида огоҳлантириш</p> <p>— Агар лицензия талабори бир ёки бир неча кўрсаткичларни бажармаса, у ҳолда лицензиат молиявий ахборотнинг янги версиясини тайёрлаши ва тақдим этиши керак. Ахборот белгиланган муддатдан 6 (олти) ой олдин тайёрланиши ва унда барча керакли рақамлар ҳамда кўрсаткичлар белгилаб берилган бўлиши керак. Молиявий ахборот регламентда кўрсатилган талабларга жавоб берадиган кўрсаткичларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Ушбу ахборот ва кўрсаткичлар орқали лицензия талабори фаолияти баҳоланади.</p>

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. ЎзПФЛнинг клубларни лицензиялаш қўлланмаси

11.1.1. ЎзПФЛнинг Клубларни лицензиялаш бўлими амалдаги регламентни тўлдириши ва унинг иловаларини ишлаб чиқиши керак.

11.2. Интизомий жараён

11.2.1. Ушбу регламентнинг ҳар қандай қоидалари бузилган тақдирда, ЎФА ўз устави ва қабул қилган қарорлари асосида санкциялар жорий этиши мумкин.

11.3. Бажарилиши керак бўлган қўшимчалар

11.3.1. Клубларни лицензиялаш бўлими ушбу қоидалар бир қатор клублар учун тушунарсиз бўлган тақдирда, зарур бўлган маълумотларни беради ва тасдиқлайди.

11.4. Регламентдан истисно масалаларни кўриб чиқиш тартиби

11.4.1. Ушбу регламентда кўрсатилмаган масалалар КЛК тасдигидан ўтади ва сўнг қарор қабул қилинади.

11.5. Қабул қилиш, тасдиқлаш ва амалга татбиқ этиш

11.5.1. Ушбу регламент ЎФА Ижроия қўмитаси бюроси томонидан 2018 йил 16 ноябрда қабул қилинган.

11.5.2. Ушбу регламент 2018 йил 19 ноябрдан кучга киради.

12. СПОРТ МЕЗОНЛАРИ. **Про-лига А клублари учун**

№	Даражा	Тушунтириш
S.01	A	<p>Аёллар футболи ва футзални қўллаб-қувватлаш мақсадида</p> <p>— Лицензия талабори ЎФА ва ЎзПФЛ тасарруфидаги мусобақаларда иштирок этадиган ўзининг футзал жамоасига эга бўлиши ва мазкур жамоанинг йиллик иш режасини ишлаб чиқиши керак.</p> <p>— Вилоятнинг бош жамоаси сифатида мусобақаларда иштирок этётган лицензия талабори аёллар футбол жамоасига эга бўлиши ва унинг аёллар чемпионатидаги иштирокини таъминлаши керак.</p>
S.01	B	<p>— Лицензия талабори (агар у вилоятнинг бош жамоаси бўлмаса) аёллар футбол жамоасига эга бўлиши керак.</p> <p>Ечим: Агар мазкур мажбурият лицензия талабори томонидан бажарилмаса, талабгор вилоятнинг бош жамоаси билан келишган</p>

		ҳолда, аёллар жамоасининг йиллик харажатларини тенг миқдорда кўтаради. Ва бу бўйича тегишли шартнома ва маблағнинг ўтказилганлиги бўйича тўлов квитанцияларини топширади.
S.01	C	<p>— Ҳар бир профессионал футбол клуби ўзининг аёллар футболи ва футзал жамоаларига эга бўлиши керак.</p>
№	Даражা	Тушунтириш
S.02	A	<p>Ёшлар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришни ташкил этиш тизими</p> <p>— Лицензия талабгори энг камида 7та ёш тоифасидаги ўсмирлар ва ёшлар жамоаларига эга бўлиши керак (U11, U12, U13, U14, U15, U16, U17-18).</p> <p>— Юқорида кўрсатилган жамоаларнинг ҳар бирида минимум 18 (энг кўпидан 22) нафардан футболчи рўйхатдан ўтган бўлиши керак.</p> <p>— Ушбу жамоаларнинг ҳар бири ЎФА ва ЎзПФЛ тасарруфидаги мусобақаларда ёки худудий турнирларда иштирок этиши керак.</p> <p>— Академиянинг энг катта ёш жамоаси (U17-18) ЎзПФЛнинг U18 жамоалари ўртасидаги чемпионатида тўп суриши шарт.</p>
S.02	B	<p>— Лицензия талабгори энг камида 2та ёш тоифасидаги болалар жамоаларига (футбол мактабига) эга бўлиши керак (U9, U10).</p> <p>Ечим: Клуб қошида футбол мактаби учун 1та 40x20 м мини-футбол майдончаси қуриш керак.</p>
S.02	C	<p>— Лицензия талабгори энг камида 7та ёш тоифасидаги болалар жамоаларига (футбол мактабига) эга бўлиши керак (U4, U5, U6, U7, U8, U9, U10).</p>
№	Даражা	Тушунтириш
S.03	A	<p>Ёшлар, ўсмирлар ва болалар футболини ривожлантириш дастури</p> <p>— Лицензия талабгори ёзма кўринишда ёшлар футболини ривожлантиришга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиши ва бу дастур лицензия берувчи томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Ушбу дастур энг камида қўйидаги маълумотларни ўз ичига олади:</p> <p>а) ёшлар футболини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари;</p> <p>б) ёш футболчиларга тиббий хизмат кўрсатиш шароитини яратиш;</p> <p>в) тегишли малакага эга бўлган ходимлар (техник, тиббий, маъмурӣ ва ҳоказо);</p> <p>г) машғулотлар, футбол учрашувлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун зарурий инфратузилма.</p>

		<p>— Мазкур жамоаларнинг ҳар бири учун, футболчиларнинг ёшидан келиб чиқиб, алоҳида индивидуал дастурлар тузилган бўлиши керак.</p> <p>Ҳар бир ёш футболчи Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ умумтаълим мактабларида ва бошқа таълим муассасаларида таълим олиши керак, клуб бунга шароит яратиб беришга масъул.</p>
--	--	--

№	Даражा	Тушунтириш
S.04	A	<p>Футболчилар билан алоқалар ва тиббий кўрик масаласи</p> <p>— Лицензия талабгорининг асосий жамоаси йилда икки марта (бири чуқурлаштирилган) Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида тиббий кўриқдан ўтади, шунинг асосида мусобақага қўйилади.</p> <p>— U18, аёллар ва футзал жамоалари эса йилда икки марта спорт медицинаси билан шуғулланувчи марказда текширувдан ўтиши ҳамда буни лицензия берувчига исботлаб бериши керак бўлади (марказ тақдим этган анализлар асосида).</p> <p>— Лицензия талабгорининг асосий таркиби мавсум бошида ва мавсум ўртасида жисмоний тайёргарлик бўйича тест ва нормативлар топшириши шарт.</p> <p>— Лицензия талабгори клубдаги барча футболчилар, мураббийлар ва техник ходимларни мажбурий суғуртадан ўtkазиши керак. Бундаги суғурта суммаси футболчининг расмий ўйинлардаги эҳтимолий оғир жароҳатларини операция қилдириш учун етарли даражада бўлиши керак (клуб буни лицензия берувчига исботлаб беради).</p> <p>— Давлат корхоналари, давлат улуши бор корхоналар (фирмалар), ҳокимликлар томонидан молиялаштириладиган футбол клуби ўз футболчилари, мураббийлари ва техник ходимлари билан шартнома имзолаётганда ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган намунавий шартномадан фойдаланади ва унинг асосий талабларини ўзгаришсиз қолдиради.</p>
Nº	Даражা	Тушунтириш
S.05	A	<p>Ўқув семинарлари</p> <p>— Про-лига А футбол клублари ЎФА ҳамда ЎзПФЛ мутахассислари билан боғланиб, ўз футболчилари учун ўқув семинарлар, тренинглар ташкил этиб беришни йўлга қўйиши лозим (ҳакамлик масаласида, ўйин қоидалари борасидаги ўзгаришлар, келишилган ўйинларга қарши кураш масаласида, ирқчиликка қарши курашиш масаласида, допинг масаласида, футболчилар ва мураббийлар билан шартномалар масаласида).</p>

S.05	B	Ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган акциялар
		<p>— Про-лига А клублари футболчилари ижтимоий акциялар ҳамда маросимларда (болалар ва қариялар уйларига, таълим муассасаларига ташрифлар, мухлислар билан учрашувлар) иштирок этишлари керак. Клуб ЎФА ёки ЎзПФЛ хатлари асосида бундай тадбирларга ўз футболчиларини юбориш учун масъулдир.</p>

13. ИНФРАТУЗИЛМА МЕЗОНЛАРИ. Про-лига А клублари учун

№	Даража	Тушунтириш
I.01	A	<p>ЎзПФЛ ҳамда ОФК тасарруфидаги мусобақалар учун тасдиқланган стадионлар</p> <p>— Лицензия талабори ЎзПФЛ ҳамда ОФК тасарруфидаги (агар клуб ОФК тасарруфидаги клублар мусобақасида иштирок этса) мусобақалар учун ўз стадионига эга бўлиши шарт. Бунинг учун клублар:</p> <p>а) ўз шахсий стадионига эга бўлиши; ёки б) клуб фойдаланадиган шу ёки бошқа стадионлар эгаси билан тузилган тегишли шартномани тақдим этиши шарт. Бундай шартнома клубнинг келгуси мавсумдаги ўз уй учрашувларини (ҳам ЎзПФЛ, ҳам ОФК тасарруфидаги мусобақаларда) ушбу стадионда ўтказишини таъминлаши керак.</p> <p>— Стадион, шунингдек, ОФК ва ЎзПФЛ тасарруфидаги клублар мусобақаларини ўтказадиган стадионлар учун маҳсус қоидаларда кўрсатилган талабларга жавоб бериши шарт (тўлиқ талаблар алоҳида ҳужжатларда тақдим қилинади).</p> <p>— Стадион ЎзПФЛ томонидан тасдиқланиши ва Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бўлиши шарт.</p> <p>— Стадионларда ўз учрашувларини ўтказадиган мезбон футбол клубларининг ҳар бири шу ҳудудда жойлашган ИИБ билан оммавий тадбирларни ўтказиш масаласи юзасидан ёзма келишувга эришган бўлиши керак.</p> <p>— Стадион лицензия берувчи томонидан қўйилган талабларга жавоб берган тақдирдагина жамоанинг уй учрашувлари учун яроқли деб қабул қилинади. Талаб даражасида бўлмаган стадионларда жамоалар уй учрашувларини ўтказа олишмайди.</p> <p>— Про-лига А клубининг уй стадионидан ТВ учун тўғридан-тўғри трансляцияни амалга ошириш учун барча имконият яратилган</p>

		<p>бўлиши шарт. Лицензия талабори мазкур масала юзасидан ЎзМТРК билан иш олиб боради ва бу борадаги тегишли билдиришномани лицензия берувчига тақдим этади.</p> <p>— Лицензия берувчининг талабларига жавоб берадиган стадионда бир лиганинг максимум икки клуби ўз уй учрашувларини муназам равишда ўтказиши мумкин.</p>
I.01	B	<p>— Клуб стадионида футбол муҳлисларини ўзига жалб қилувчи ҳамда зарур барча шароитлар яратилган бўлиши керак (клуб дўкони, тамаддиҳоналар, салқин ичимликлар ва ширинликлар савдоси учун расталар, кўнгилочар ўйинлар, таҳоратхоналар ва ҳоказо).</p> <p>— Клуб стадионнинг ТВнинг видеокамералари қаратилган томони муҳлислар билан гавжум бўлиши учун масъулдир. Бу трибуналарда муҳлислар сони етарлича бўлмаса, қолган муҳлислар шу трибунага кўчишини клуб таклиф этади.</p> <p>Ечим: “А” ва “В” мезонлари талабларига жавоб бермайдиган клубларга нисбатан санкциялар анча жиддий бўлади. Бунда клублар легионер футболчилар хизматидан фойдаланиш, ўз майдонида уй учрашувларини ўтказишни тақиқловчи ва бошқа қатор жиддий санкциялар билан тўқнашади. Айнан қайси талабга қандай чора кўрилиши масаласини ЎзПФЛ комиссияси ҳал қиласди.</p>

№	Даражा	Тушунтириш
I.02	A	<p>Ўқув-машғулот базаси</p> <p>— Лицензия талабори йил давомида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши мумкин бўлган ўз тасарруфидаги обьектларга эга бўлиши шарт. Бунда:</p> <p>а) ўқув-машғулот обьектларига эгалик қилиши; ёки б) ўқув-машғулот обьектлари эгаси билан тузилган ёзма шартномани тақдим этиши лозим (бундай шартнома мавсум давомида ўқув-машғулот обьектидан фойдаланишни кафолатлайди).</p>
I.03	A	<p>Клуб офиси</p> <p>— Лицензия талабори ўз ишини амалга ошириш учун офис биносига эга бўлиши керак. Офисда телефон, факс, интернет каби масалаларда муаммо бўлмаслиги лозим. Лицензия талабгорининг offici лицензия берувчи ва жамоатчилик учун очик бўлиши зарур.</p>
I.03	B	<p>Ёшлар футболини ривожлантириш бўйича тасдиқланган</p>

	дастур учун ўқув-машғулот объектлари (футбол академияси)
	<p>— Лицензия талабгори ёшлар футболини ривожлантириш бўйича дастурга асосан ўзининг 7та ёш тоифасидаги жамоаларини (футбол академияси жамоалари) қамраб оловчи, улар тўлақонли футбол сабогини олишга имкон берувчи объектга эга бўлиши керак.</p>

14. ХОДИМЛАР ВА КЛУБ МАЪМУРИЯТИГА ОИД МЕЗОНЛАР. **Про-лига А клублари учун**

№	Даража	Тушунтириш
P.01	A	<p>Клуб раҳбарияти</p> <p>— Футбол клубининг президенти ёки унинг бошқарув кенгashi жамоа бош директорини тайинлади (сайлайди). Ўз навбатида, бош директор клуб штатини ташкил қилади, уни бошқарди ва клуб/жамоанинг барча масалаларига жавобгарликни ўз зиммасига олади.</p> <p>— Бош директор жамоанинг ЎзПФЛ, ЎФА, ОФК ёки ФИФА каби ташкилотлар олдидаги масъулияти учун тўлиқ жавобгардир.</p> <p>— Лицензия талабгорининг маъмурий бошқарувида қуйидаги лавозимлар (ходимлар) бўлиши шарт:</p> <ul style="list-style-type: none"> - спорт директори (олий маълумотли); - техник директор (“A” лицензия эгаси); - юрисконсульт (юридик соҳа вакили); - хавфсизлик масалалари бўйича мутахассис; - кадрлар бўйича масъул; - лицензиялаш менежери (инглиз тилида эркин сўзловчи); - бухгалтер; - матбуот котиби; - фотограф; - видеотасвирчи. <p>— Жамоанинг асосий таркиби учун қуйидаги персоналлар бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бош мураббий (маҳаллий мутахассис “A”, хорижий мутахассис “Pro” лицензиясига эга бўлиши керак); - бош мураббий ёрдамчisi (минимум “B” лицензиясига эга бўлиши керак); - мураббий (минимум “B”); - жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий (Level 1 ёки “B”); - дарвозабонлар мураббийи (Level 1); - администратор;

		<ul style="list-style-type: none"> - шифокор (соҳа дипломига эга); - массажчилар (соҳа дипломига эга); - физиотерапевт (соҳа дипломига эга); - камида 18, кўпин билан 25 нафар футболчи. <p>— Футбол академиясида қандай персоналлар бўлиши лозимлиги ЎФАНИНГ Футбол академияларини ривожлантириш бошқармаси томонидан тақдим этилади.</p> <p>— Аёллар жамоасида қўйидаги персоналлар бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бош мураббий (минимум “B”); - бош мураббий ёрдамчиси (минимум “C”); - дарвазабонлар мураббийи (Level 1 ёки “C”); - администратор; - шифокор (соҳа дипломига эга); - массажчи (соҳа дипломига эга); - камида 18, кўпин билан 25 нафар футболчи. <p>— Хусусий футбол клублари ўз персоналларини ўзлари ихтиёрий равишда белгилайди (ЎзПФЛ талаби асосида). Бироқ уларда энг камида юқоридаги штатлар бўлиши шарт.</p> <p>— Футбол клубида асосий жамоанинг ўз администратори бўлади. Қолган жамоалар учун умумий битта администратор ажратиш мумкин (бунда клуб жамоаларнинг мусобақаларга ўз вақтида ва маромида етиб келишини ўз гарданига олади).</p> <p>— Лицензия талабгори бош директор, бош мураббий, техник директор ҳамда футболчилар билан бир ёки бир неча йиллик, қолган барча ходимлар билан тузиленган бир йиллик шартномаларни лицензия берувчига тақдим этиши керак.</p> <p>— Лицензия талабгори жамоа мураббийлари, футболчилари билан боғлиқ трансфер, истеъло ва бошқа ўзгаришлар ҳақида расман эълон қилгунига қадар лицензия тақдим этувчини (ЎзПФЛни) огохлантириши шарт.</p>
--	--	---

15. ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНЛАР. **Про-лига А** клублари учун

№	Даража	Тушунтириш
L.01	A	<p>ЎзПФЛ ва ОФК клублари мусобақаларида қатнашиш ҳақида декларация</p> <p>— Лицензия талабгори амалдаги қонунчилик бўйича амалда бўлган декларацияни тақдим этиши керак. Унда қўйидагилар тасдиқланган бўлиши лозим:</p>

		<p>а) у ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛнинг футбол фаолиятини тартибга солиш бўйича юридик кучга эга бўлган низом, регламент, меъёрий хужжатлари ва қарорларини тан олиши керак;</p> <p>б) у ҳар қандай, хусусан, ФИФА ва ОФК иштирок этган низоларни ҳал қилишда Лозаннадаги спорт арбитраж судининг мутлақ юрисдикциясини тан олади;</p> <p>в) ФИФА ва ОФК низомига кўра, у умумий юрисдикция судларига мурожаат қилиш тақиқланганини тан олади;</p> <p>г) у ЎФА ва ЎзПФЛ ички мусобақаларида қатнашади;</p> <p>д) у ОФК тан олган ҳалқаро мусобақаларда қатнашади. Ушбу қоида ўртоқлик учрашувларига тегишли эмас;</p> <p>е) у ушбу регламентда кўрсатилган шартларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;</p> <p>ж) барча тақдим этилган хужжатлар тўлиқ ва ишончли экани борасидаги масъулият тақдим этувчининг зиммасида бўлади;</p> <p>з) лицензия берувчи лицензия талабгори томонидан тақдим этилган хужжатлар тўлиқ ва ҳақиқийлигини текшириш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров юбориш ҳуқуқига эга;</p> <p>и) лицензия талабгори ФИФА, ОФК ёки ЎзПФЛ истагига кўра айнан танлаб олиб текширилаётган вақтда мазкур ўрганиш жараёнига ўз эътирозини билдиримайди. ОФК ёки ЎзПФЛ текширув ўтказиш мақсадида исталган клубни танлаб олиш ҳуқуқига эга;</p> <p>к) лицензиялаш жараёнидан ўтказиш даврида лицензия талабгори билан боғлиқ сезиларли ўзгаришлар (иктисодий) кузатилса, талабгор бу ҳақда лицензия берувчини огоҳлантириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.</p> <p>— Мазкур декларация уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган лицензия талабгорининг бош директори томонидан имзоланади ва лицензия берувчи талаб қилган муддатда топширилади.</p>
--	--	--

№	Даражा	Тушунтириш
L.02	A	<p>Лицензия талабгорининг таъсис, гувоҳнома ва меҳнат шартномаси хужжатлари</p> <p>— Лицензия талабгори қуйидаги хужжатларни тақдим этиши лозим:</p> <p>а) лицензия талабгорининг амалдаги қонунчилик бўйича рўйхатдан ўтган таъсис хужжати нусхаси (устав);</p> <p>б) лицензия талабгорининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси (корхона номи, манзили, юридик шакли).</p> <p>— Лицензия талабгори барча футболчилар, мураббийлар ва техник ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари нусхасини лицензия берувчига тақдим этиши керак.</p>
L.03	A	<p>Мулк ҳуқуқи ва клубларни бошқариш</p> <p>— Лицензия талабгори клубни бошқариш механизми ва мулқчилик</p>

		<p>шакли аниқ кўрсатилган тегишли ҳужжатни тақдим этиши лозим.</p> <p>— Клуб бошқарувида, маъмуриятда ва/ёки клуб спорт фаолиятида қатнашадиган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа клубнинг қимматли қофозлари, акциялари ёки улушининг эгаси бўлмаслиги ва улар билан ишламаслиги зарур; б) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа клубнинг акционерлари ичida қўпчилик овозга эга бўлмаслиги керак; в) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг маъмурияти, бошқаруви ва кузатув органидан кимнидир ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш хуқуқига эга бўлмаслиги лозим; г) бошқа бир клуб акцияларига (улушларига), гарчи қолган акциядорлар билан келишган тақдирида ҳам, эгалик қила олмайди; д) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг вакили бўлмаслиги шарт; е) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг маъмурияти, бошқарувида ишламаслиги ва/ёки спорт ютуқларида, фаолиятида қатнашмаслиги зарур; ж) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубда ҳеч қандай таъсир кучи бўлмаслиги шарт.
№	Даража	Тушунтириш
L.04	A	<p>Клубда қабул қилинган тартиб-интизомлар</p> <p>— Лицензия талабгори Ўзбекистон қонунчилигига, ФИФА, ОФК, ЎФА низомларига ҳамда ЎзПФЛ регламентига мос келиши лозим бўлган клубнинг ички тартиб-интизом регламентини тақдим этиши керак. Клуб ушбу регламентда кўрсатилган қоидаларни бузган тақдирида, мазкур иш суд тартиби бўйича кўриб чиқилади ҳамда ваколатли орган томонидан юридик жиҳатдан ўрнатилган санкцияларга тортилиши мумкин.</p>
L.04	B	<p>— Лицензия талабгори Ўзбекистон қонунчилиги, ФИФА, ОФК ва ЎФА низоми, қонун ва қоидаларига мос равишда юридик кучга эга бўлган Аҳлоқ кодексини ишлаб чиқиши тавсия этилади.</p> <p>Ечим: Футболчилар, мураббийлар ва бошқа ходимларга қўлланилиши мумкин бўлган эҳтимолий жарималарни қоида бузувчилар эмас, клубнинг ўзи тўлаб беради.</p>

16. МОЛИЯВИЙ МЕЗОНЛАР. **Про-лига А клублари учун**

Ўтган давр бўйича молиявий маълумотлар

№	Даражा	Тушунтириш
F.01	A	<p>Аудит текширувидан ўтказилган охирги йиллик молиявий ҳисобот</p> <p>— Лицензия талабгорининг ташкилий-ҳуқуқий тузилмаси қандай бўлса ҳам, у давлат қонунчилигига зид келмаган равишда йиллик молиявий ҳисобот тайёрлаши керак. Ушбу ҳисобот мустақил аудиторлар томонидан текширилган бўлиши лозим (хусусий бўлмаган клублар учун мустақил аудитор лицензия берувчи томонидан танлаб олинади).</p> <p>— Йиллик молиявий ҳисоботдаги маълумотлар регламентга асосан лицензия талабори ва лицензия берувчи ўртасида сир сақланиши ва бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш тамойилларига жавоб бериши керак.</p> <p><i>1-вариант</i> Агар аудит билан тасдиқланган йиллик молиявий ҳисобот ушбу регламент қоидаларига ва бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш тамойилларига жавоб берса, қўшимча маълумот тақдим қилиш шарт эмас.</p> <p><i>2-вариант</i> Агар аудит билан тасдиқланган йиллик молиявий ҳисобот минимал талабларга ва бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш тамойилларига жавоб бермаса, лицензия талабори қўшимча маълумотни тайёрлаб, аудиторга, аудитор шу иш бўйича ўз хулосасини берганидан сўнг эса лицензия берувчига тақдим этиши лозим.</p>
F.02	A	<p>Текширувдан ўтган оралиқ молиявий ҳисобот</p> <p>— Лицензиялаш жараёни бошланган даврда лицензия талабгорининг жорий йил учун йиллик молиявий ҳисоботи тайёр бўлиб улгурмайди. Шундан келиб чиқиб, лицензия берувчи томон лицензия талаборидан оралиқ молиявий ҳисоботни талаб қилишга ҳақли. Мазкур оралиқ молиявий ҳисобот мустақил аудитор текширувидан ўтган бўлиши ҳамда лицензиялаш бўйича регламентнинг минимал талабларига жавоб бериши керак.</p>
F.03	A	<p>Трансферлар бўйича бошқа клублар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқлиги</p>

		<p>— Лицензия талабори бошқа клублар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқлиги (масалан, ФИФАнинг футболчиларнинг мақоми бўйича қўмитаси, ФИФАнинг низоларни ҳал қилиш палатаси ва Спорт арбитраж судининг якуний ва мажбурий қарорлари) масаласини лицензия берувчига исботлай олиши керак. Қишки трансфер мавсуми стартига қадар бўлган қарздорлик келаси мавсум бошлангучи тўланган ва/ёки кредиторлар билан келишилган ҳолда тўлов муддати узайтирилган бўлиши керак. Клуб ва кредиторлар ўртасидаги низога навбатдаги мавсум стартигача ечим топилмаган бўлиб, иш тегишли органлар томонидан кўриб чиқиш жараёнида давом этаётган бўлса (давом этаётганини исботловчи хужжат тақдим этилса), клуб чемпионат ўйинларига шартли равишда қўйилади.</p>
--	--	---

F.03	B	<p>Ходимлар, ижтимоий ва солиқ органлари ҳамда бошқа ташкилотлар олдидаги қарздорлик тўғрисида</p> <p>— Лицензия талабори амалдаги/собиқ ходимлари билан шартномалар ва ҳуқуқий мажбуриятлар бўйича талабларни тўлиқ адо этиши шарт. Мазкур масалада, шунингдек, ижтимоий, солиқ органлари ҳамда бошқа ташкилотлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган клубларга лицензия берувчи томонидан муддат белгиланади. Муддат якунига қадар қарздорлик бартараф этилмаса, клубга нисбатан санкциялар қўлланилади (жамоа лигадан четлатилиши ҳам мумкин).</p> <p>Ечим: Футболчи ва мураббийлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган клублар трансфер ойнасида фаол бўла олмайди. Қарздорлик бартараф этилмагунига қадар мазкур клублар биринchi навбатда ёзги трансфер вақтида, кейин эса қишки трансферда янги футболчиларни рўйхатдан ўтказа олмайди.</p>
------	---	--

№	Даражा	Тушунтириш
F.04	A	<p>Лицензиялаш қарорига қадар ёзма ариза</p> <p>— Клубларни лицензиялаш бўлими (КЛБ) лицензия талаборидан биринчи навбатда иқтисодий аҳамиятга эга ва клуб бухгалтерлик балансида акс эттирилган, молиявий аҳволга салбий таъсир ўтказган воқеа ҳамда ҳодисалар рўй берганлиги ҳақида ёзма ариза талаб қилишга ҳақли.</p>

№	Даражा	Тушунтириш
F.05	A	<p>Келгуси молиявий ахборот</p> <p>— Лицензия талабори қўйидагилардан иборат бўлган келгуси молиявий ахборотни тақдим этиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳаси; б) пул воситалари ҳаракати ҳақида ҳисбот лойиҳаси; в) изоҳ, тахминий, таваккал ва аниқ кўрсаткичларни таққослаш.

		— Келгуси молиявий ахборот асосли бўлиши ва ушбу регламентда белгиланган камчиликларни қоплаш талабларига жавоб берадиган тахминларга асосланган бўлиши керак.
--	--	--

Кейинги маълумот

F.06 ва F.07 мезонлари лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг қўлланилади. F.06 мезони барча талабгорларга нисбатан қўлланилади. F.07 мезони эса фақатгина тақдим этилган ҳужжатларда камчиликка йўл қўйган талабгорларга нисбатан қўлланилади.

№	Даражा	Тушунтириш
F.06	A	<p>Келаси ҳодисалар ҳақида огоҳлантириш</p> <p>— Бошқарув органи томонидан лицензия бериш ҳақидаги қарор чиқарилганидан сўнг, лицензиат лицензия берувчига мавсум охирига қадар ўз фаолияти давомида шубҳа уйғотувчи ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар қилмаслик, шунингдек, клубдаги лицензиялаш жараёнига оид ўзгаришлардан хабардор этиб туриш мажбуриятини олгани ҳақида кафолат хати бериши керак.</p>
F.07	A	<p>Келгуси молиявий ахборот янгиланиши ҳақида огоҳлантириш</p> <p>— Агар лицензия талабори бир ёки бир неча кўрсаткичларни бажармаса, у ҳолда лицензиат молиявий ахборотнинг янги версиясини тайёрлаши ва тақдим этиши керак. Ахборот белгиланган муддатдан 6 (олти) ой олдин тайёрланиши ва унда барча керакли рақамлар ҳамда кўрсаткичлар белгилаб берилган бўлиши керак. Молиявий ахборот регламентда кўрсатилган талабларга жавоб берадиган кўрсаткичларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Ушбу ахборот ва кўрсаткичлар орқали лицензия талабори фаолияти баҳоланади.</p>

- 2019 йилги мавсумдан бошлаб алоҳида бир йўналишга ихтисослашган клублар ҳам лицензиялашдан ўтиши ва талабга жавоб берган тақдирида, ЎзПФЛ ҳамда ЎФА байроғи остидаги мусобақаларда иштирок этиши мумкин.

- Алоҳида футзал, аёллар, Про-лига В ҳамда U18 жамоалари ҳам Суперлига ва Про-лига А жамоаларининг шу йўналишдаги жамоалари учун белгиланган талабларга жавоб бериши шарт.

17. ЛИЦЕНЗИЯЛАШ МЕЗОНЛАРИ. Про-лига В клублари учун

№	Даражада	Тушунтириш
S.	A	<p>ЖАМОА</p> <p>— Лицензия талабгори асосий жамоадан ташқари ўзининг минимум 18 футболчидан иборат U17-18 жамоасига эга бўлиши керак. Футболчилар ЎзПФЛ рўйхатида туради ва улар ташкилот ҳамда УФА тасарруфидаги мусобақаларда иштирок этади.</p> <p>ТАЛАБ</p> <p>— Лицензия талабгори футболчилари йилда бир марта тиббий кўриқдан ўтиши шарт.</p> <p>— Футбол клуби ўз футболчилари ва мураббийлари билан шартнома имзолаётганда ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган шартнома нусхасидан фойдаланади ва унинг асосий талабларини ўзгаришсиз қолдиради.</p>
I.		<p>СТАДИОН</p> <p>— Лицензия талабгори ЎзПФЛ тасарруфидаги мусобақалар учун ўз стадионига эга бўлиши шарт. Бунинг учун клублар:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) ўз шахсий стадионига эга бўлиши; ёки б) клуб фойдаланадиган шу ёки бошқа стадионлар эгаси билан тузилган тегишли шартномани тақдим этиши шарт. Бундай шартнома клубнинг келгуси мавсумдаги ўз уй учрашувларини ушбу стадионда ўтказишини таъминлаши керак. <p>— Стадион ЎзПФЛ томонидан тасдиқланиши ва Ўзбекистон худудида жойлашган бўлиши шарт.</p> <p>— Стадионларда ўз учрашувларини ўтказадиган мезбон футбол клубларининг ҳар бири шу ҳудудда жойлашган ИИБ билан оммавий тадбирларни ўтказиш масаласи юзасидан ёзма келишувга эришган бўлиши керак.</p> <p>— Стадион лицензия берувчи томонидан қўйилган талабларга жавоб берган тақдирдагина жамоанинг уй учрашувлари учун яроқли деб қабул қилинади. Талаб даражасида бўлмаган стадионларда жамоалар уй учрашувларини ўтказа олишмайди.</p> <p>— Лицензия берувчининг талабларига жавоб берадиган стадионда бир лиганинг иккитагача клуби ўз уй учрашувларини ўтказиши мумкин.</p>

Р.	<p>ОФИС</p> <p>— Лицензия талабори ўз ишини амалга ошириш учун офис биносига эга бўлиши керак. Офисда телефон, факс, интернет каби масалаларда муаммо бўлмаслиги лозим. Лицензия талаборининг офиси лицензия берувчи ва жамоатчилик учун очик бўлиши зарур.</p> <p>ШТАТ</p> <p>— Футбол клубини бош директор бошқаради. У клуб штатини ташкил қилади, клуб/жамоанинг барча масалаларига жавобгарликни ўз зиммасига олади.</p> <p>— Бош директор жамоанинг ЎзПФЛ, ЎФА, ОФК ёки ФИФА каби ташкилотлар олдидаги масъулияти учун тўлиқ жавобгардир.</p> <p>— Лицензия талаборининг маъмурий бошқарувида қуйидаги лавозимлар (ходимлар) бўлиши шарт:</p> <ul style="list-style-type: none"> - спорт директори (олий маълумотли); - кадрлар бўйича масъул; - бухгалтер; - видеотасвирчи. <p>— Жамоанинг асосий таркиби учун қуйидаги персоналлар бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бош мураббий (маҳаллий мутахассис “В”, хорижий мутахассис “А” лицензиясига эга бўлиши керак); - ёрдамчи мураббий (“С”); - администратор; - шифокор (соҳа дипломига эга); - 23 нафар футболчи. <p>Шунингдек, U18 жамоаси учун - бош мураббий, ёрдамчи мураббий, ва шифокор.</p> <p>— Лицензия талабори бош мураббий ҳамда футболчилар билан бир ёки бир неча йиллик, қолган барча ходимлар билан тузилган бир йиллик шартномаларни лицензия берувчига тақдим этиши керак.</p> <p>L.</p> <p>Хуқуқий мезонлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Лицензия талабори амалдаги қонунчилик бўйича амалда бўлган декларацияни тақдим этиши керак. Унда қуйидагилар тасдиқланган бўлиши лозим: <ol style="list-style-type: none"> а) у ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛнинг футбол фаолиятини тартибга солиш бўйича юридик кучга эга бўлган низом, регламент, меъёрий хужжатлари ва қарорларини тан олиши керак; б) у ҳар қандай, хусусан, ФИФА ва ОФК иштирок этган низоларни ҳал қилишда Лозаннадаги Спорт арбитраж судининг мутлақ юрисдикциясини тан олади;
----	---

в) ФИФА ва ОФК низомига кўра, у умумий юрисдикция судларига мурожаат қилиш тақиқланганини тан олади;
 г) у ЎФА ва ЎзПФЛ ички мусобақаларида қатнашади;
 д) у ушбу регламентда кўрсатилган шартларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;
 е) барча тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ва ишончли экани борасидаги масъулият тақдим этувчининг зиммасида бўлади;
 ж) лицензия берувчи лицензия талабори томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ва ҳақиқийлигини текшириш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров юбориш ҳуқуқига эга;
 з) лицензия талабори ФИФА, ОФК ёки ЎзПФЛ истагига кўра айнан танлаб олиб текширилаётган вақтда мазкур ўрганиш жараёнига ўз эътиrozини билдиrmайди. ОФК ёки ЎзПФЛ текширув ўтказиш мақсадида исталган клубни танлаб олиш ҳуқуқига эга;
 и) лицензиялаш жараёнидан ўтказиш даврида лицензия талабори билан боғлиқ сезиларли ўзгаришлар (иқтисодий) кузатилса, талабгор бу ҳақда лицензия берувчини огоҳлантириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Лицензия талабгорининг амалдаги қонунчилик бўйича рўйхатдан ўтган таъсис ҳужжати нусхаси (устав).

3. Лицензия талабгорининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси (корхона номи, манзили, юридик шакли).

4. Лицензия талабори барча футболчилар, мураббийлар ва техник ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари нусхасини лицензия берувчига тақдим этиши керак.

5. Лицензия талабори клубни бошқариш механизми ва мулкчилик шакли аниқ кўрсатилган тегишли ҳужжатни тақдим этиши лозим.

Клуб бошқарувида, маъмуриятда ва/ёки клуб спорт фаолиятида қатнашадиган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс:
 а) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа клубнинг қимматли қоғозлари, акциялари ёки улушининг эгаси бўлмаслиги ва улар билан ишламаслиги зарур;

б) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа клубнинг акционерлари ичida кўпчилик овозга эга бўлмаслиги керак;

в) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг маъмурияти, бошқаруви ва кузатув органидан кимнидир ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги лозим;

г) бошқа бир клуб акцияларига (улушларига), гарчи қолган акциядорлар билан келишган тақдираидан ҳам, эгалик қила олмайди;

д) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг вакили бўлмаслиги шарт;

е) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг маъмурияти, бошқарувида ишламаслиги ва/ёки спорт ютуқларида, фаолиятида қатнашмаслиги зарур;

ж) ушбу мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубда ҳеч қандай таъсир кучи бўлмаслиги шарт.

F.

Молиявий мезонлар

1. Аудит текширувидан ўтказилган охирги йиллик молиявий ҳисобот

— Лицензия талабгорининг ташкилий-ҳуқуқий тузилмаси қандай бўлса ҳам, у давлат қонунчилигига зид келмаган равища йиллик молиявий ҳисобот тайёрлаши керак. Ушбу ҳисобот мустақил аудиторлар томонидан текширилган бўлиши лозим.

— Йиллик молиявий ҳисоботдаги маълумотлар регламентга асосан лицензия талабгари ва лицензия берувчи ўртасида сир сақланиши ва бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш тамойилларига жавоб бериши керак.

2. Текширувдан ўтган оралиқ молиявий ҳисобот

— Лицензиялаш жараёни бошланган даврда лицензия талабгорининг жорий йил учун йиллик молиявий ҳисоботи тайёр бўлиб улгурмайди. Шундан келиб чиқиб, лицензия берувчи томон лицензия талабгоридан оралиқ молиявий ҳисоботни талаб қилишга ҳақли. Мазкур оралиқ молиявий ҳисобот мустақил аудитор текширувидан ўтган бўлиши ҳамда лицензиялаш бўйича регламентнинг минимал талабларига жавоб бериши керак.

3. Трансферлар бўйича бошқа клублар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқлиги

— Лицензия талабгари бошқа клублар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқлиги (масалан, ФИФАнинг футболчиларнинг мақоми бўйича қўмитаси, ФИФАнинг низоларни ҳал қилиш палатаси ва Спорт арбитраж судининг якуний ва мажбурий қарорлари) масаласини лицензия берувчига исботлай олиши керак. Қишки трансфер мавсуми стартига қадар бўлган қарздорлик келаси мавсум бошлангунича тўланган ва/ёки кредиторлар билан келишилган ҳолда тўлов муддати узайтирилган бўлиши керак. Клуб ва кредиторлар ўртасидаги низога навбатдаги мавсум стартигача ечим топилмаган бўлиб, иш тегишли органлар томонидан кўриб чиқиш жараёнида давом этаётган бўлса (давом этаётганини исботловчи хужжат тақдим этилса), клуб чемпионат ўйинларига шартли равища қўйилади.

4. Ходимлар, ижтимоий ва солиқ органлари ҳамда бошқа ташкилотлар олдидаги қарздорлик тўғрисида

— Лицензия талабгари амалдаги/собиқ ходимлари билан шартномалар ва ҳуқуқий мажбуриятлар бўйича талабларни тўлиқ адо этиши шарт. Мазкур масалада, шунингдек, ижтимоий, солиқ органлари ҳамда бошқа ташкилотлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган клубларга лицензия берувчи томонидан муддат

белгиланади. Муддат якунига қадар қарздорлик бартараф этилмаса, клубга нисбатан санкциялар қўлланилади (жамоа лигадан четлатилиши ҳам мумкин).

Ечим: Футболчи ва мураббийлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган клублар трансфер ойнасида фаол бўла олмайди. Қарздорлик бартараф этилмагунига қадар мазкур клублар биринчи навбатда ёзги трансфер вақтида, кейин эса қишки трансферда янги футболчиларни рўйхатдан ўтказа олмайди.

5. Келгуси молиявий ахборот

— Лицензия талабори қуидагилардан иборат бўлган келгуси молиявий ахборотни тақдим этиши лозим:

- а) даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳаси;
- б) пул воситалари ҳаракати ҳақида ҳисбот лойиҳаси;
- в) изоҳ, тахминий, таваккал ва аниқ қўрсаткичларни таққослаш.

— Келгуси молиявий ахборот асосли бўлиши ва ушбу регламентда белгиланган камчиликларни қоплаш талабларига жавоб берадиган тахминларга асосланган бўлиши керак.

Илова №1. Асосий жараён намунаси

1. Клубларни лицензиялаш бўлими (КЛБ) клублар орасида тарқатиш учун тарқатма ҳужжатлар тайёрлайди.
2. КЛБ клублар учун семинар ўтказади.
3. Клубларга лицензия ҳужжатлари тўплами тарқатилади.
4. ЎзПФЛга ҳужжатларни топшириш охирги муддатини (дедлайн) белгилайди.
5. КЛБ ҳужжатларнинг тўлиқлигини текширади.
6. Клубларни баҳолаш жараёнини ўтказади.
7. КЛБ клубларни лицензиялаш комиссиясига (КЛК) ҳисобот топширади.
8. КЛКнинг қарор қабул қилиш жараёни.
9. Лицензия берувчи ташкилот томонидан қабул қилинган қарор ҳақида клубларни хабардор қилиш.
10. Клубларни лицензиялаш бўйича апелляция комиссиясига (КЛАК) шикоят қилиш жараёни.
11. КЛАКнинг апелляция қарорлари.
12. ЎзПФЛнинг лицензиялаш бўйича ОФГа хабар бериши.

Илова №2. Санкцияларни қўллаш тартиби

1-банд. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом лицензия учун даъвогар бўлган футбол клубларига қўлланилиши мумкин бўлган тегишли санкциялар рўйхати ҳамда лицензия олган клублар томонидан мазкур регламентга амал қилинмаган тақдирда кучга кириши мумкин бўлган санкцияларни тартиба солади.
2. Лицензиялаш талабларига жавоб бермаган тақдирида, лицензия талабори ва лицензия эгасига қўйидаги санкциялар қўлланилади:
 - а) огоҳлантириш;
 - б) пул жаримаси;
 - в) қўшимча ҳужжат тақдим этиш мажбурияти;
 - г) қўшимча талабларни бажариш мажбурияти;
 - д) ўйинчилар трансферини амалга ошириш учун бўлган тақиқ;
 - е) легионер футболчиларни ўйнатишдан мосуво қилиш;
 - ё) ўз майдонида ўйинлар ўтказа олмаслик;
 - ж) очколардан маҳрум қилиш;
 - з) техник мағлубият бериш;
 - и) камчиликларни бартараф этиш учун вакт.

3. Ушбу низомда кўрсатиб ўтилган санкциялар миқдори ва уларнинг қай тартибда қўлланилиши лицензия берувчи маъмурий орган — Клубларни лицензиялаш комиссияси таклифи асосида амалга оширилади.

4. Ушбу низомда кўрсатилган санкцияларни қўллаш фақатгина Клубларни лицензиялаш бўйича апелляция комиссияси ва Клубларни лицензиялаш комиссияси ваколатига киради.

2-банд. Қоидабузарликлар ва қўлланиладиган санкциялар рўйхати

1. Лицензиялаш ҳужжатларини тақдим этишда белгиланган вақтга амал қилмаслик:

- а) аввал огоҳлантириш;
- б) кейин 5 000 000 сўм жарима.

2. Мазкур регламентда кўрсатилган текширув ишлари талабларига жавоб бермаслик:

- а) 5 000 000 сўм жарима.

3. Лицензия талабори ёки лицензия эгасининг лицензиялаш ишлари учун жавобгар расмий вакилининг лицензия берувчи томонидан ўтказиладиган маросимларда ёки лицензиялаш тизимининг татбиқ этилиши билан боғлиқ бўлган учрашувларда йўқлиги:

- а) аввал огоҳлантириш;
- б) кейин 5 000 000 сўм жарима.

4. Лицензия талабори томонидан лицензиялаш жараёнида ёлғон маълумот тақдим этилиши:

- а) лицензия талаборига лицензия тақдим этиб улгурилган-у, аммо клуб ёлғон маълумот ёки сохта ҳужжатлардан фойдалангани шундан кейингина фош этилган бўлса — 20 000 000 сўм жарима;
- б) ушбу ёлғон маълумот сабаб лицензия берилмаётган бўлса — 10 000 000 сўм жарима ҳамда хатони бартараф этиш учун вақт.

5. Лицензия эгаси лицензия берувчини мазкур регламентнинг “А” бандида кўрсатилган мажбурий мезонлар билан боғлиқ ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор этиши шарт. Йўқса:

- а) огоҳлантириш;
- б) 5 000 000 сўмдан 10 000 000 сўмгача жарима;
- в) лицензияни бекор қилиш.

6. Юқоридаги каби ҳолат “В” банддаги мезонлардаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса:

- а) огоҳлантириш;
- б) ўйинчилар трасферини амалга оширишни тақиқлаб қўйиш;
- в) 5 000 000 сўмдан 7 000 000 сўмгача бўлган жарима ва вазиятни тўғрилаш учун вақт.

7. ЎзПФЛнинг Клубларни лицензиялаш бўлими томонидан лицензия бериш масаласи бўйича бериладиган топшириқлари лицензия талабори/лицензия эгаси тарафидан ўрнатилган вақтда амалга оширилмаса:

- а) аввал огоҳлантириш;
- б) кейин 5 000 000 сўм жарима.

8. Клуб томонидан “А” банддаги мезонларга амал қилиш мавсум давомида тўхтатилган бўлса, лицензия берувчи лицензия бериш тўғрисидаги қарорини қайта кўриб чиқиши ёки лицензияни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

9. ОФК мусобақаларида иштирок этувчи лицензия талабори ва лицензия эгаси ОФК Тартиб-интизом кодексига асосан ҳам жазоланиши мумкин.

3-банд. Санкцияларни қўллаш тартиби

1. Мазкур регламентда кўзда тутилган талабларни бузажётган лицензия талабори ва лицензия эгаси ўзига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган санкциялар ҳақида лицензия берувчидан расмий огоҳлантириш олади. Кўрсатилган вақт ичida муаммо бартараф этилиши керак.

2. “В” мезонига кўра йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш муддати, имконият ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда, Клубларни лицензиялаш комиссияси томонидан белгиланади.

3. Агар ушбу банднинг 2-пунктида кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг ҳам лицензия талабори ёки лицензия эгаси вазиятни тўғриламаса, лицензия берувчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

- а) лицензияни бекор қилиш;
- б) айрим қоидабузарликларга нисбатан вазият ўнглангунинга қадар санкцияларни бир неча марта қўллаш.

4. Лицензия талабори ва лицензия эгасига санкциялар мавсум бошланиши ва мусобақа давомида қўлланилиши мумкин.

5. Лицензия талабори ва лицензия эгасига нисбатан қўйилган жарималарни тўлаш ўрнатилган муддат ичida амалга оширилиши ва бу ҳолат лицензия берувчи ҳисоб рақамига жарималар ўтказилгани ҳақида хабарнома орқали етказилиши керак.

6. Лицензия талабори ёки лицензия эгасига қўйилган пуллик жарималар ўз вақтида тўланмаган бўлса, лицензия берувчи орган бундан қатъйроқ чоралар кўриши ёки лицензияни бекор қилиши мумкин.

7. Санкциялар юзасидан лицензия талабори ёки лицензия эгаси Клубларни лицензиялаш бўйича апелляция комиссиясининг лицензия талабори ёки лицензия эгасига нисбатан чиқарган ҳукми якуний ҳисобанади ва қайта эътиrozга ўрин қолдирмайди.